БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 163 (18.341). • Пайшанба, 1982 йил 15 июль • Баҳоси 3 тийин.

КОЛЛЕКТИВ — ТАРБИЯЧИ

Яқинда Андижон область партия комитети бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш мажбуриятини олган ташаббускорлар йўқламасини ўтказди. Андижон трикотаж фабрикасининг машҳур бўёқчиси, КПСС XXVI съезди делегати Турсунали Холматов обком бюросида сўзга чиқиб, ўзи билан бирга ишлаётган ўртоқлари ҳақида зўр ҳурмат ва мамнуният билан шундай деди: — Ҳозир 1984 йил ҳисобига меҳнат қиляпман. Бунда бирга ишлаётган коллективнинг ҳам роли катта. Унинг кўмагисиз ва ёрдамисиз мен шу қадар катта муваффақиятга, иззат ва ҳурматга эришолмас эдим.

Оддий ишчининг бу эътирофи жамиятимиз асосий ячейкаси бўлмиш меҳнат коллективининг жуда катта тарбиявий ва сафарбар этувчи илҳомбахш кучга эга эканлигини яққол кўрсатадиган мисолдир. Дарҳақиқат, давлат планлари ва социалистик мажбуриятлар тақдири айнан мана шу ерда ҳал этилади. Оммаларнинг меҳнат ва ижтимоий активлигини ошириш учун кураш даставвал ана шу ерда бошланади. Коллективда дўстона муносабат ва ўртоқларча ўзаро ёрдам туйғуси шаклланади, совет кишисининг характери ва унинг коммунистик ахлоқи сайқал топиб, тобора тобланиб боради. Партиямиз турмушнинг ҳамма соҳаларида ишлаб чиқариш ва тарбиявий вазифаларни изчиллик билан ҳал этишда меҳнат коллективларининг ролини мунтазам ошириб бормоқда.

«Ҳозирги замон ишлаб чиқариши, — деб таъкидлаган эди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев, — ҳар бир ходимнинг меҳнат жараёнидаги ўз ўрнини равшан тасаввур этишини, у ўзининг қайси ишни нима учун қилаётганлигини, ўзига нималар боғлиқ эканлигини билишини, ўзининг меҳнати умумий ишнинг зарур қисми эканлигини сезишини талаб қилади».

Меҳнат коллективининг тарбиявий кучидан ҳар томонлама ва самарали фойдаланилаётгани ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги, Ленинск мотор-ремонт заводлари, Урганч шаҳар тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа ўнлаб корхоналарда аҳил меҳнат, ҳамжиҳатлик ва ўзаро талабчанлик муҳити мустаҳкам қарор топган. «Ҳафталик топшириқни беш кунда бажарамиз!», «Сафимизда бирорта ҳам қолоқ бўлмасин!» деган ташаббуслар меҳнат кишиларининг кундалик шиори бўлиб қолган. Булар, аввало, меҳнат коллективларининг сиёсий негизи, жанговар авангарди — партия ташкилотларининг ташкилий-тарбиявий соҳада олиб бораётган фаолияти натижасидир. Айниқса, асосий мақсадни ҳар бир кишида ташаббус уйғотиш, унинг меҳнат қобилияти ва имкониятидан унумли фойдаланишга қаратган ҳолда партиявий таъсир ўтказишнинг синалган формаларидан самарали фойдаланилаётган жойларда яхши натижаларга эришилмоқда. Бунда оммавий-сиёсий ва меҳнат тарбияси элементларини ўзида мужассамлаштирган социалистик мусобақа ғоят муҳим роль ўйнамоқда. Партия комитетлари касаба союзлари ва комсомол ташкилотлари билан биргаликда мусобақанинг самарадорлигини ошириш, ишларда меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳини қарор топтириш, илғор тажриба, фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишга қаратилган моддий ва маънавий рағбатлантириш услубидан тўғри фойдаланиш, ишлаб чиқариш резерларини топиб ишга солиш учун оммани кенг сафарбар этишлари лозим.

Коллективнинг тарбиявий ишдаги таъсирчанлиги кўп жиҳатдан партия ташкилотлари активининг фаол иш олиб боришига боғлиқдир. Бу ерда гап ҳар бир ишчини ҳамиша кўз ўнгида тутиб, унинг яхши томонини ҳам, камчилигини ҳам беш қўлдай биладиган, унинг кундалик турмуши, иши, қизиқиши ва кайфиятидан мунтазам хабардор бўлиб турадиган ишчи кенгашлари, устоз ва мураббийлар ҳақида боряпти. Энг яхши, умум ишига нафи тегадиган фойдали ташаббусларни биринчи бўлиб ана шулар илгаб олиб, қўллаб-қувватлайдилар, диққат-эътиборни ҳал қилиниши лозим бўлган вазифаларга, камчиликларни тугатишга қаратадилар. Ишчи кенгашлари, мураббийлик ҳаракати активлигини, тарбиявий ролини кучайтириб бориш — муҳим иш.

Кишилар ҳамиша ишлаб чиқариш илғорларидан партия сиёсатини амалга оширишнинг оғили ва ишчан қурашчилари — коммунистлардан ўрнак оладилар. Хўжасизлик ва бошбошдоқлик ҳукм сураётган жойда коммунист ҳеч қачон ўз бурчимки бажарибман бўлдим, деб айтолмайди. Ҳар бир коллектив ўзида ким қандай ишлаётганини жуда яхши билади, жамоатчилик ўртасида илғорларга нисбатан ҳурмат ва эҳтиром, ишёқмас, дангаса, меҳнат интизомини мунтазам бузадиган шахсларга нисбатан эса муросасизлик кайфиятини уйғота олади.

Афсуски, ҳамма жойда ҳам ана шундай муҳит вужудга келтирилган, деб бўлмайди. Баъзи корхоналарда сменалар ўртасида вақтнинг бекор ўтиши, ишга кечикиб келиш ё эрта кетиб қолиш каби иллатлар борлиги сабабли кўплаб қимматли иш соатлари қўлдан бой берилмоқда. Масалан, Сурхондарё областидаги 26-қурилиш трестига қарашли 87-кўчма механизациялашган колоннада кадрлар ўртасида қўнимсизлик катта, меҳнат интизомининг бузилиши оддий бир ҳол бўлиб қолган. Қурилиш ташкилоти маъмурияти жамоатчилик фикри ҳар қандай буйруқдан ҳам кучли ва таъсирчан эканлигини унутиб, маъмурий чоралар кўришга зўр беряпти. Бу эса ўз навбатида қурилиш сифатига ва планларнинг бажарилишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундай ҳол билан сира келишиб бўлмайди, албатта.

Ҳар бир меҳнат коллективи кишига самарали таъсир ўтказишнинг турли воситаларига эга. Мисол учун, «Янгиерводстрой» трестига қарашли 24-кўчма механизациялашган колоннани олайлик. Бу ерда қурувчилар йиғилишлари, жамоатчи кадрлар бўлими, мураббийлар кенгаши, ўртоқлик судларининг обрўси катта. Қурилиш ташкилоти аньаналарини пропаганда қилиш, социалистик мусобақа илғорлари ва новаторлар тажрибасини кенг оммалаштириш тарбиявий ишнинг энг таъсирчан формаларидан бири бўлиб қолган, деб ёзади редакцияга ўз хатида ушбу ПМК бульдозерчиси А. Рон. — Шу сабабли бизда ишлаб чиқариш илғорлари сафи кенгайиб боряпти. Беш қурувчи бир беш йилликда икки беш йиллик план-топшириғини бажариш мажбуриятини олиб ишлаяпти. Узим ҳозир 1984 йил ҳисобига меҳнат қиляпман.

Коллективда маънавий муҳит кўп жиҳатдан раҳбарнинг иш услубига, унинг кишиларга таъсир ўтказа билиш ва улар билан ишлай олиш маҳоратига боғлиқдир. Айниқса, цех ва смена бошлиқлари, мастер ва бригадирларнинг роли катта. Чунки улар ишчилар билан ёнма-ён ва бригаликда ишлайдилар. Агар раҳбар коллектив билан умумий тил топишиб кетса, кишиларнинг фикрига, таклиф ва мулоҳазаларига ўз вақтида қулоқ солиб, жон-дили билан ишлай олса, ишчи ҳамма қадрлаб ҳурмат қилади, иш ҳам ривож топиб бораверади.

Ишларга ҳамиша ғамхўрлик қилиш лозим. Ҳар йили халқ хўжалигига кўп миллиард ёш авлод келиб қўшилмоқда. Уларнинг унумли меҳнат қилишлари, актив ҳаётий позицияни эгаллаб олишлари, мустаҳкам ғоявий эътиқодли бўлишлари учун яқиндан ёрдам кўрсатиш — уларга нисбатан ғамхўрликнинг асосий мазмунидир. Шу билан бирга тобора катта аҳамият касб этиб бораётган якка тартибдаги мураббийлик билан бирга коллектив мураббийлигини ҳам ривожлантириш, бу ишга энг муҳим партия ва жамоат топшириғи деб қаралиши лозим. Коллектив ва унинг партия ташкилоти тарбиявий ишга зид бўлган барча хатти-ҳаракатларга қарши муросасизлик билан кураш олиб бормоғи зарур.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва иш сифатини яхшилаш, КПСС XXVI съезди ҳамда партия Марказий Комитетининг шу йил май Пленуми қарорларини изчиллик билан амалга ошириш, ўн биринчи беш йиллик планларини муваффақиятли бажариш учун коллективнинг ташаббускорлиги ва тарбиявий ролини кучайтириб бориш шу кунининг энг муҳим вазифаларидан биридир.

КПСС Марказий Комитети май Пленуми қарорлари—ҳаётга

СССР 60

◆ ЮБИЛЕЙ ИИЛИ ЮКСАК МАРРАЛАРИНИ БАРВАҚТ ЭГАЛЛАШГА ЭРИШАЙЛИК!

◆ ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИНИ БАЖАРИШ — УМУМХАЛҚ ИШИ.

◆ ЭЛ ДАСТУРХОНИГА МЎЛ-КЎЛ ВА АРЗОН МАҲСУЛОТЛАР ЕТКАЗИБ БЕРИЛМОҚДА.

БАРАКАЛИ ХИРМОН

Тошкент районидаги Карл Маркс номли колхозининг Жўра Раҳбаров бошлиқ бригадаси аъзолари СССРнинг 60 йиллик юбилейи йилида катта меҳнат зафарларини қўлга киритмоқдалар. Пешқадам коллектив республикамизда биринчилар қатори сабзавот тайёрлаш йиллик планини муддатидан илгари муваффақият билан бажарди. Шу кунгача қабул пунктларига топширқдагидан 60 тонна кўп — яъни 850 тонна сабзавот етказиб берилди. Бригадада, айниқса, карам ва картошкадан баракали хирмон кўтарилмоқда. Эртаки картошканинг ҳар гектаридан олинган ҳосил пландаги 140 центнер ўрнига 186 центнердан, карамдан эса 300 центнер ўрнига 650 центнердан ташкил этди.

Ҳали бригада даласида ҳосил сероб. Сабзавоткорлар помидор, ўртаки карам, картошка, пиёз йиғим-терими уюшқоқлик билан олиб бормоқдалар. Айни вақтда кечки сабзавот экинларини экиш қизғин бораётир.

— Имкониятларимизни чамалаб кўриб, — дейди бригада бошлиғи Жўра Раҳбаров, — ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи босқичида икки йиллик план миқдорида маҳсулот тайёрлашга аҳд қилдик. Ҳозир ҳар куни шаҳарликлар дастурхони учун 15—20 тоннадан маҳсулот жўнатмоқдамиз.

М. СОЛИҲОВ.

ФОТОЛАВҲАЛАР

НАМАНГАН ОБЛАСТИ. Поп районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг Иноятхон Олимова бошлиқ бригадаси аъзолари 192 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 50 центнердан хирмон кўтариш мажбуриятини олишган. Пахтакорлар мажбуриятга яраша ҳосил тўплаш учун ҳар бир туп гўзани ардоқлаб парвариш қилишяпти. Суратда: бригада бошлиғи И. Олимова.

Ж. Тўраев фотоси.



ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоз чорвадорлари қишловга пухта ҳозирлик кўришаётир. Ҳузуриддин Нуриддинов етакчилик қилаётган бригадада беданинг учинчи ўрими қизғин давом этяпти. Ҳосили йиғиштириб олинган бедазорлар пешма-леш суғорилмоқда. Суратда: бригада даласида беда ўрими.

Е. Ботиров фотоси.

РСФСР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

14 июль куни Москва Катта Кремль саройида ўтган чақириқ РСФСР Олий Советининг бешинчи сессияси ишини тугаллади.

Депутатлар билан меҳмонлар Ю. В. Андропов, М. С. Горбачев, А. П. Кириленко, А. Я. Пельше, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, М. В. Зимянин, К. В. Русаков ўртоқларни давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Депутатлар РСФСРнинг қишлоқ жойларида уй-жойлар, социал-маданий ва коммунал-маиший объектлар қурилишининг аҳволи ҳамда уни партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми қарорлари асосида яхшилаш тадбирлари ҳақидаги масала юзасидан музокараларни якунладилар.

Олий Совет бир овоздан қабул қилган қарорда 1982—1990 йилларда қишлоқни социал-иқтисодий ривожлантириш юзасидан комплекс тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Сўнгра «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида» РСФСР қонунининг ҳамда «Ҳайвонот дунёсини қўриклаш ва ундан фойдаланиш ҳақида» РСФСР қонунининг лойиҳалари тўғрисида РСФСР Олий Совети табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш комиссиясининг раиси Т. С. Сушков доклад қилди.

Депутатлар муҳокамадан кейин «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида» ҳамда «Ҳайвонот дунёсини қўриклаш ва ундан фойдаланиш ҳақида» РСФСР қонунларини, шунингдек мазкур қонунларни амалга киритиш тартиби ҳақидаги қарорларни бир овоздан қабул қилдилар.

Сессия РСФСР Олий Совети Президиуми секретари Х. П. Нешков доклади юзасидан республика Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиклади. (ТАСС).

СТАНЦИЯДА ИККИ ОЙДАН БЕРИ ИШЛАШЯПТИ

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 14 июль. (ТАСС). Анатолий Березовой билан Валентин Лебедев «Салют-7» —«Союз Т» орбитал илмий-тадқиқот комплекси ичида икки ойдан бери ишлашяпти. Космонавтлар «Прогресс-14» автомат транспорт кемасининг юкини бўшатиб олиш ишларини давом эттирмоқдалар.

Космонавтларнинг докладларига кўра. «Салют-7»— «Союз Т-5» — «Прогресс-14» киши бошқарадиган комплекс ичидаги ишлар программаси муваффақиятли бажарилмоқда.

Анатолий Березовой билан Валентин Лебедевнинг соғлиғи яхши ва улар ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.

КОММУНИЗМНИНГ АКТИВ БИНОКОРЛАРИ

14 июль куни Тошкентда областлараро семинар-кенгаш ўтказилди. Семинар-кенгаш қатнашчилари — Қорақалпоғистон АССР, Тошкент, Хоразм, Жиззах ва Сирдарё областлари вакилларининг КПСС XXVI съезди қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежнев Тошкентдаги тантаналарда сўзлаган нутқида баён этилган тавсиялар асосида хотин-кизларнинг меҳнат ва ижтимоий-сиёсий активлигини янада ошириш йўлларини кўриб чиқдилар.

Муҳокама чоғида қайд этиб ўтилганидек, бугунги кунда Ўзбекистон хотин-кизлари коммунизм қурилишида, КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини амалга оширишда самарали иштирок этмоқдалар, тинчлик учун, ядро уруши хавфига қарши ягона сафда туриб курашмоқдалар. Шу билан бирга ўртоқ Л. И. Брежнев Ўзбекистонда бўлган вактида уқтириб ўтганидек, хотин-кизларни раҳбар партия, совет ва хўжалик ишларига яна ҳам активроқ кўтариш зарурлигини нотиқлар таъкидладилар.

Орттирилган тажриба баҳам кўрилди. Ишлаётган хотин-кизларнинг социал-маиший шароитларини янада яхшилашга, уларнинг СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақада, яна ҳам самаралироқ иштирок этишига қаратилган тадбирлар белгиланди. (ЎзТАГ).

МУСОБАҚА КУНДАЛИГИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА ЎзТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

БОШ ОМИЛ

«...Ҳар бир хўжалик чорвачиликнинг юқори сифатли ем-хашакка, ширали озуқага ва яйловлардаги озуқага бўлган эҳтиёжларини тўлиқ таъминлайдиган бўлсин».

(«СССРнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Озиқ-овқат программаси»дан).

МЎЛ ҲОСИЛ

Қашқадарёлик чўлқуварлар ҳар йили янги ерлар ўзлаштириб, сабзавот ва полиз экинлари етиштиришга катта эътибор беришмоқда. Натижада шаҳар ва поселкаларнинг аҳолиси йил бўйи ана шу маҳсулотлар билан тўла-тўкис таъминланмоқда.

Толлимаржон районида ўтган йили ташкил этилган «Партия XXVI съезди» поселкаси массивида 600 гектар майдонга баҳорда картошка экилган эди. Экин парвариши юксак агротехника талаблари асосида олиб борилди. Сифатли парвариш туфайли мўл ҳосил етиштирилди.

Чўлқуварлар шу кунларда картошка ҳосилини механизмлар ёрдамида териб олмоқдалар. Дастлабки ҳисоб-китобга қараганда ҳар гектар ердан олинаётган ҳосил 10-12 тоннани ташкил қилмоқда.

ПОТОК УСУЛИДА

Нукус ремонт-механика заводи (Ўзбекистон ССР «Госкомсельхозтехника»сига қарашли корхона)да янги технологик линия ишлай бошлади. У шоли ўрадиган комбайнларга тиркаладиган тележкаларни ремонт қилишни механизациялаш имконини беради. Бу ерда ремонт ишлари икки баравар тезлаштирилиб, юксак меҳнат унумдорлигига эришилмоқда.

Завод коллективининг тележкаларни узлуксиз ремонт қилишни ўзлаштириб олишига Красноярск мутахассислари яқиндан ёрдам беришди. Янги технологик линия уларнинг ёрдамида йўлга қўйилди.

КОМСОМОЛ ЙЎЛЛАНМАСИ БИЛАН

Навоий областининг Нурота, Конимех ва Томди районларидаги ўрта мактабларни битириб чиққан 200 дан зиёд йигит ва қиз комсомол йўлланмаси билан фермаларда иш бошладилар. Ёш чорвадорларнинг область слётида қўнгилларга тантанали суратда комсомол йўлланмалари топширилди. Конимех районидаги «Шофиркон» совхози чўпони, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Бердиев ва бошқа машҳур чорвадорлар зарбдор отряд аъзоларига оқ йўл тиладилар.

Республикамиз чорвадорлари моллар маҳсулдорлигини оширишнинг бош омили бўлган мустаҳкам озуқа базасини яратиш учун қурашмоқдалар. Айни кунларда илғор хўжаликларда ем-хашак жамғариш, озуқа экинларини парвариш қилиш юксак суръатларда давом эттирилаётир. Қуйида ем-хашак тайёрловчи бригадалар бошлиқлари айни кунларда олиб бораётган ибратли ишлари ҳақида ҳикоя қиладилар.

АҲДИМИЗ ҚАТЪИЙ

Собир ИСКАНОВ,
Пахтачи районидаги Киров номли колхоз ем-хашак тайёрловчи бригадаси бошлиғи

— Мустаҳкам озуқа базаси яратмасдан жамоат чорвачилигини ривожлантириш, гўшт, сут, тухумни кўпайтириш мумкин эмас. Буни яхши билган колхозимиз аъзолари хозирданоқ келгуси қишлов гамини емоқдалар. Биз бу борадаги барча резервлар ва имкониятлардан самарали фойдаланиш учун зарур чораларни кўряпмиз.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти ташаббуси билан хўжалигимизда ем-хашак тайёрлайдиган учта бригада тузилган. Уларга етарли миқдорда ишчи кучи, учтадан тележка, иккитадан хашак йиғадиган машина, автомашина ва бошқа техника воситалари ажратилди. Механизмлар бекаму кўст ишлаши учун Эшназар Зоиров бошлиқ ремонтчилар бригадаси жонбозлик кўрсатмоқда.

Бу коллективлар аъзолари мавжуд майдонлардаги бедани йил давомида камида олти марта ўриб олишга ва гектаридан 220 центнердан пичан олишга аҳд қилишган. Беданинг дастлабки ўримига одатдагидан анча эрта — 5 май куни киришдик. Агрегатлар икки сменада унумли ишлатилди. Натижада ўрим беш кун ичида якунланди. Жами 860 тонна сифатли пичан йиғиштириб олинди. Ўртача ҳосилдорлик 67 центнердан иборат бўлди. Кўрсаткич бултўргидан беш центнер ортиқдир.

Хўжалигимиздаги бедазорлардан ўзига хос картограмма асосида фойдаланиш кўзда тутилган. Масалан, 70 гектар майдондаги беда моллларга кўклигича едирилади, 45 гектарида ўруглик етиштирилади, бошқа майдонлардан 2.200 тонна пичан, 220 тонна витаминли ўт-уни тайёрланади. Айни кунларда ем-хашак отрядлари аъзолари тиним билмай меҳнат қилмоқдалар. Озуқабоп экинлар парвариши кун сайин кучайтирилмоқда. Айниқса, бедазорларни суғориш, озиқлантириш агротехника талаблари асосида олиб бориляпти.

Бу йилги мураккаб шароитга етарли миқдорда дағал хашак ва бошқа хил озуқа тайёрлаш юзасидан белгиланган тадбирларимизни район партия комитети маъқуллади. Бу зиммамиздаги масъулиятни тағин ошириб юборди.

Тадбирларда белгиланганидек, бу йил биз 6 минг тоннадан зиёд дағал хашак, 3.700 тонна силос ва бошқа озуқалар жамғарамиз. Ҳозир 17 гектар майдонда «Дала маликаси» меҳр билан парвариш қилинмоқда. Ниҳоллар қондириб суғорилди, минерал ва маҳаллий ўғитлар билан меъёрида озиқлантирилди. Ҳар гектаридан 100 центнердан «каҳрабо дон», 500 центнердан силосбоп кўкпоя етиштириш мўлжалланмоқда. Бундан ташқари лавлаги етиштиришга ҳам катта аҳамият берилди. 10 гектар ердаги лавлагининг гектаридан 800 центнердан ошириб ҳосил етиштирамиз.

МУСТАҲКАМ ЗАМИН

Ризо ЭШОНҚУЛОВ,
Баҳористон районидаги «Ўзбекистон» давлат наслчилик заводининг бедачилик бригадаси бошлиғи

— Озуқа қанчалик кўп бўласа, чорва моллар маҳсулдорлиги шунчалик ошиб бораверади. Давлат наслчилик заводимиз чорвадорлари маҳсулот етиштиришни кўпайтириш учун унинг озуқа базасини мустаҳкамлашга жиддий эътибор бермоқдалар. Яқинда хўжалик дирекцияси ва партия ташкилоти СССРнинг 60 йиллиги нишонланадиган йилда чорва қишловига пухта тайёргарлик кўриш ва мўл-кўл ем-хашак жамғариш бўйича муҳим тадбирларимизни белгиладилар. Тадбирларимизни район партия комитета маъқуллади.

Тадбирларга кўра заводнинг ферма ва отарларида қисқа вақтда 20 та кошар, чўпонлар учун 10 та ўй-жой, 6 та қудуқ қуриш, озуқа тўплаш зарбдор ойлиги давомида 2 йилга етадиган 20 минг тонна дағал хашак жамғариш алоҳида таъкидланган.

Айни пайтда биз ўз сўзимизнинг устидан чиқишга астойдил ҳаракат қиляпмиз. Махсус 3 та бедачилик бригадасида беданн 5—6 марта ўриб олиш ва гектарига ҳосилдорликни 200 центнерга етказиш чоралари кўрилмоқда. Мен ва ҳамкасбларим Карим Халоков, Бобомурод Рўзиев ўртоқлар бошлиқ бедачилик бригадаларида 800 гектар ердаги эски ва янги беданнинг учинчи ўримини муваффақиятли давом эттирилмоқда.

Табиат қийинчиликларига қарамай мавжуд 2900 гектар ерда арпа ва буғдойдан мўл ҳосил етиштирдик. Ғалла ўрим-йиғимини ўюшқоқлик билан ўтказиб, давлатга дон топшириш планини ошириб адо этдик. Сомонлар чорва моллар учун кўплаб озуқа тайёрланиб, қишлоқ жойларига ташиб келтирилди.

Бундан ташқари, табиий ўтлардан ем-хашак тўплаш борасида Суннат Ҳалимов, Тўхта Эшонқулов, Рўзибой Кўчқоров ўртоқлар бошлиқ махсус зарбдор бригадалар иш бошлашди. Ана шу коллективларга ўюшган 200 дан зиёд коммунист ва комсомоллар фидокорлик намунасини кўрсатиб ишлашмоқда. Улар бу борада агрегатлар кучидан унумли фойдаланишаётир.

Хўжалигимиз чорвадорлари Озиқ-овқат программасида кўрсатилган жанговар вазифаларни тўла-тўкис амалга ошириш учун ғайрат ва шижоат кўрсатиб ишламоқдалар. Қоракўл қўйлар 97600 бошга етказилди. Давлатга қоракўл тери, жундан ташқари ҳар йили 1000 тонна ва ундан зиёд миқдорда гўшт етказиб бериш чораларини кўряпмиз. Ўз-ўзидан равшанки, бу мақсадга эришиш учун аввало чорва моллар туёқ сонини янада кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш керак. Бу асосан озуқа базасининг мустаҳкамлигига боғлиқ.

Шу кунларда азамат чорвадорларимиз Қарши чўлидаги Помиқ, Примқалъа, Алибойқудуқ, Саиткалта массивларида табиий ўтларни ўриб-йиғиб олмоқдалар. Кунига 350—400 тонна дағал хашак жамғариляпти. Тайёр озуқа 30 та трактор тележкаси, 40 га яқин автомашина билан пешма-леш қишлов жойларига ташилмоқда.

АГРЕССОР ЖИЛОВЛАНСИН

Ўзбекистонда бўлиб ўтган митингларнинг қатнашчилари Исроил ҳарбийлари АҚШнинг мададида Фаластин ва Ливан халқларидан қонли ўч олаётганликларига қарши қаҳр-ғазаб билан норозилик билдирмоқдалар.

В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университети қурилиш отрядларининг юзлаб аъзолари ва «Дўстлик—82» интернационал отрядининг жангчилари меҳнат сменаси туғаши билан норозилик митингига келдилар. Йигит ва қизлар фаластинлик студент қиз Нодира Ҳолтаннинг сўзини ғоят тўлқинланиб тингладилар.

— Менинг минглаб ватандошларим — қариялар, хотин-қизлар, болалар Исроил жаллодлари Ливан тупроғида авж олдирган қонли хунрезлик қурбонлари бўлдилар. Уларни ўлдираётган қуролга «АҚШда ясалган» деган тамға қўйилган. Лекин бизнинг халқимизни тиз чўктира олишмайди. Ер юзидаги барча софдил кишилар фаластинликларнинг ҳаққоний иши билан бирдамдирлар, КПСС ва улуғ Совет Иттифоқининг раҳбари — ўртоқ Л. И. Брежнев фаластинликларни ҳимоя қилмоқда. Мен ғалабага ишонаман, Фаластин озод бўлади!

— Ливандаги фожиали воқеалар, — деди митингда чехословакиялик студент Франтишек Хартл, — Исроил АҚШнинг ҳомийлигида террорни ўзининг давлат сиёсати даражасига олиб чиққанлигидан далолат беради. Бу яна оммавий жиноятлар хавфини туғдирмоқда. Биз Америка ҳукуматидан ўртоқ Л. И. Брежневнинг Р. Рейганга мурожаатида янграган ақл-идрок овозига қулоқ солиб, ҳаддидан ошган агрессорни тўхтатишни талаб қиламиз!

Студент Э. Каримов, университет комсомол комитетининг секретари Р. Азимов ва бошқалар империалистларнинг Яқин Шарқдаги машъум режаларини ғазаб билан қоралаб гапирдилар.

* * *

Ўзбекистон ССР Геология министрлигининг ВЛКСМ 50 йиллиги номли Бухоро ремонт-механика заводида Исроилнинг Ливандаги ваҳшиёна агрессиясига қарши бўлиб ўтган норозилик митингида «Ливандан қўлингни торт», «Яқин Шарқда тинчлик ўрнатилсин!» шиорлари янгради. Сўзга чиққан электр пайвандчи Т. Сувондиков, темирчи Ф. Рўзиев, термист А. Саъдуллаев ва бошқалар Ливан ҳамда Фаластин халқларининг кураши билан бирдам эканликларини ўз ўртоқлари номидан билдирдилар, агрессорга гумаштали қилаётган АҚШни қаҳр-ғазаб билан қоралядилар.

Бухоро районидаги Ленин номли колхозда ва республиканинг бошқа меҳнат коллективларида ҳам кўп кишилик митинглар бўлиб ўтди.

(ЎзТАГ мухбирлари).

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШУВ

Будапештдаги халқаро журналистлар ташкилоти мактаби тингловчиларидан бир группаси Ўзбекистон ҳаёти билан танишди. Меҳмонлар В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалини ва Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини бориб кўрдилар, Чирчик трансформатор заводига экскурсия қилдилар, «Социалистический Чирчик» газетаси редакциясида бўлдилар, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг иши билан танишдилар. Тингловчилар республика журналистлар союзида қабул қилиндилар. (ЎзТАГ).

«КОСМОС-1387» ПАРВОЗДА

1982 йил 13 июль куни Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-1387» учирилди.

Олинаётган маълумотлар ишлаб чиқиш ва фойдаланиш учун «Природа» давлат илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш марказига топширилмоқда. (ТАСС).

ЮКСАК СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК — ЎН БЕШ ТАШАББУСКОР ШИОРИ

ЙИЛЛАРНИ ҚУВИБ

Самарқанд «Хотин-қизлар меҳнати» бадиий каштачилик фабрикасининг илғор ишчиси, КПСС XXVI съезди делегати Салима Луқмонова — бир беш йилликда ўн йиллик ва ундан ҳам ортиқ шахсий нормасини бажаришга аҳд қилган ўн беш ташаббускор ишчининг бири. Моҳир тикувчи ўз аҳдига вафо қилиб, айни кунларда 1987 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда. Навбатдаги сўз — чевар каштачи С. Луқмоновага

Яқинда календарь саҳифасидан навбатдаги варақни йиртиб, бир нарсани ўйлаб қолдим: мана, юбилей йилининг ҳам ярми ўтиб кетди, беш йилликнинг иккинчи йили шаҳдам одимлаяпти...

Бу табиий, албатта. Лекин мен бошқа бир нарсани — фақат менгина эмас, балки мамлакатимизнинг бутун ишчилар синфи қалби тўридан жой олган муҳим бир сана ҳақида ўйладим. Бу — муқаддас Иттифоқимизнинг шонли 60 йиллик тўйидир. Бу қутлуғ байрамни барча бирдек меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олишга бел боғлаган.

Ана шулар ҳаёлимдан ўтар экан, оддий коммунист сифатида, қолаверса, корхонамизнинг ветеран ишчиси сифатида ўз-ўзимга савол бераман: ҳўш, юзлаб ҳамкасбларим олдида, мўътабар идоралар олдида, коммунистлар олдида берган сўзимнинг уддасидан чиқяпманми? Иккинчи уйим бўлмиш — корхонамга, дўстларимга, мусобақадошларимга, шогирдларимга нафим тегяптими? Иш фаолиятимнинг ҳамма қирраларида: меҳнатда, юриш-туришда, ижтимоий жараёнда коммунистга хос авангардлик, ҳақгўйлик, принципиаллик, ҳалоллик, фидойилик каби фазилатлар етарлими?

Оддий календарь варағини йиртаётиб, кўнглимдан ўтган шу саволларга беш йиллик бошидан буён бажарган иш якунларимдан ҳикоя қилувчи рақамлар жавоб беришини истардим.

Эсингизда бўлса, ўтган йилнинг апрель ойида серқуёш ўлкамиздаги ўн беш донгдор ишчи қатори бир беш йилликда ўн йиллик ва ундан ҳам ортиқ шахсий норма бажариш ташаббуси билан чиққандим. Аҳд қилишдан олдин узоқ ўйладим: «Сўзни беришга бериб, ўдалай олмай қолсам, нима бўлади?». Шунда дўстларим, ҳамкасбларим, шогирдларим менга далда беришди. «Ўтган беш йилликда ўн етти йиллик шахсий нормангизни бажариб қўйиб, иккиланаётганингиз нимаси?» — сўрашди улар.

Ташаббусга қўшилдим. Кўп ўтмай, фабрикамиздаги кўплаб коммунистлар, комсомоллар, пешқадам ишчилар ҳам қутлуғ ҳаракат издошлари бўлиб, сафга қўшилдилар. Тўплаган тажрибаларим, кузатишлар ва таҳлилларим шуни кўрсатдики, агар киши ўз куч ва қобилияти, билими ва саботини зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга бағишласа, ҳамма ишнинг уддасидан чиқиши, шубҳасиз. Ана шундай масъулият билан иш бошлаганим сабабли йилига 250 та ўрнига 1000 тагача сўзана тикишга муваффақ бўляпман. Бу эса бир беш йилликда тўрт беш йиллик планимнинг бажарилишига имкон беради. Худди шу имкониятга суяниб, ўн беш донгдор ишчи ташаббусига қўшилганман.

Баъзан мендан (хусусан ёшлар) бунчалик тезкорлик, юксак суръат билан ишлашимнинг сирини сўраб қоляпсиз. Бунинг сабаби барчага аён: касбга муҳаббат, элга садоқат. Чор атрофга боқсангиз, ҳамма бирдек «ишчи ҳазрати олийлари» деб ардоқлаб турса-ю, сиқиқдилдан меҳнат қилмай бўладими?! Ихтиёримиздаги замонавий дастгоҳлар, машина-механизмлар қуввати ва тўла фойдаланмасак, умум манфаатига қандай қилиб ҳисса қўшиш мумкин?

Бугунги кунда мингга яқин киши меҳнат қилаётган фабрикамизда қариб 300 нафар киши менинг шогирдларимдир. Илгари уларнинг кўпчилиги ҳозир тикаётган маҳсулотларнинг ҳаммасини, чунончи, сўзана, палак, зардевор сингари каштачилик буюмларини қўлда тикишган бўлса, эндиликда машинада — тезкор усулда тикиш сирларини ўрганмоқдалар. Беш йиллик охирига қадар янгидан ўн нафар ишчини машинада каштача тикишга ўргатиб, улардан битта бригада тузишга сўз берганман.

«СССРнинг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафталик» шиори остида бошланган социалистик мусобақа дилимга яна ўт солди. Бу беш йилликда ҳам астойдил меҳнат қилиб, йигирма йиллик топшириғимни адо этишга азму қарор қилдим. Улуғ санага бағишланган мусобақада фаол иштирок этиб, бундай юксак мажбуриятга жазм қилганимдан сўнг, яна ўша анъанавий саволларга: яъни «Сиз бундай натижаларни қандай қилиб қўлга киритасиз?, Эҳтимол бирор сиримиз бордир, имкониятларингизни айтинг» деган саволларга жавоб беришга тўғри келарсан. Буларнинг ҳаммасига ҳар галгидек яна ўша олдин жавобимни қиламан: ишга барвақт келаман, дастгоҳларнинг созлигини, ҳом ашёларнинг бутлигини кўздан кечириб, вақтни ўтказмай иш бошлаб юбораман. Сменам охирига қадар уларни бирор дақиқа бўш қоллирмайман, ҳом ашёни ҳуда-беҳудага чиқитга чиқармайман. Буюмларни тикиш олдидан моделини чуқур ўрганиш катта аҳамиятга эга. Айниқса, унинг ҳар бир чоки бежирим бўлишлиги учун қўлимга қалам-қоғоз олиб чизиб кўраман. Машқ учун озроқ тикаман ҳам. Кўнгилдагидек чиққач, ҳақиқий ишга ўтаман. Шунда ишим кун бўйи тез, соз, баракали бўлади.

1987 йил ҳисобига меҳнат қиляпман. Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимнинг сифати муттасил юксак баҳо олаётганидан гоят мамнунман. Ишимнинг салмоғи ва сифатига қараб, беш йиллик оҳирига қадар тўрт беш йиллик планимни бажариш — юз минг сўмлик ҳажмидаги 50 минг дона аъло сифатли сўзана тикиш юзасидан олган мажбуриятимни уддалашимга кўзим етиб турибди. Уларнинг 7 процентини фақат тежалган хом ашё ва материаллар ҳисобига тайёрлашни ҳам планлаштириб қўйганман. Ишлаб чиқарган маҳсулотларимнинг беш хилч янги хил маҳсулотлар бўлади.

Меҳнатда эришаётган бу ютуқларимдан кўнглим тўлса-да, гоҳ-гоҳда халқимизнинг «якка этнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донги чиқмас» деган нақли эсимга тушаверади. Демоқчиманки, меҳнатда орттирган илғор тажрибаларимизни бошқалар билан баҳам кўрсак. Сайёра Набиева, Зебихон Олимжонова каби моҳир касбдошларимнинг орттирган тажрибаларини ҳам ўргансак. Истардимки, уларнинг тезкор иш усуллари каштачиликка ихтисослашган республикамиз корхоналарида татбиқ қилиб кўрилса.

Яна шуни мамнуният билан айтиб ўтмоқчиманки, Холида Ҳакимова, Хурсанд Ғуломова, Марҳабо Олимова, Тоҳира Умарова каби шогирдларим бугунги кунда корхонамизнинг илғор ишчилари сафида баракали меҳнат қилмоқдалар. Улар мавжуд резерв ва имкониятлардан фойдаланиб, кунлик графикларни мунтазам бир ярим-икки баравар ошириб бажаришга эришмоқдалар.

Мен фахр билан тилга олган бу рақамлар, ҳикоя қилган бу тафсилотлар бизнинг кўп қирралі меҳнат фаолиятимиздан сизни озгина бўлса ҳам хабардор қилган бўлса, беҳад бахтиёрман. Буларнинг ҳаммаси, шубҳасиз, турмуш шароитимизнинг кун сайин яхшиланиб боришига, ҳаётимизнинг маъмурчилигига қаратилгандир. Шу ўринда Леонид Ильич Брежневнинг бир сўзини келтириб ўтмоқчиман: **«Турмуш шароитларини, — деган эди у, — ҳар қандай яхшилашга совет кишиларининг ўзлари зўр ғайрат билан қилган меҳнат туфайлигини эришиш мумкин. Етук социализм ҳар бир гражданнинг қобилиятларини рўёбга чиқариш учун гоят кенг имкониятларни таъминлайди. Ҳамма гап мана шу имкониятлардан фойдаланишда қолган».**

Биз Леонид Ильич назарда тутган ана шу имкониятларни ишга солишга, резервлардан фойдаланишга, пировардида фидокорона меҳнатимизнинг янада баракали бўлишига эришаверамиз.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИ — АМАЛДА

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорларини амалга ошириш ҳаракати тобора кенг қулоч ёймоқда. Озиқ-овқат программасини бажариш учун қурашда коммунистлар актив фаолият кўрсатмоқдалар. Кенг меҳнаткашлар оммасининг бу соҳадаги ташаббуси ва ижодий меҳнати вақтида ўз баҳосини олмоқда, беш йиллик планларни муддатидан илгари бажариш учун мусобақа қатнашчилари сони кун сайин кўпайиб бораётир. Коммунистик мўл-кўлчиликни яратиш партия ташкилотлари фаолиятининг энг муҳим йўналиши бўлиб қолди.

ТАШАББУС МАЪҚУЛЛАНДИ

Нукус районидаги «Коммунизм» совхози боғлари, далалари фермаларида иш қизғин. Хўжалик меҳнатчилари «СССР 60 йиллигига — 60 зарблор ҳафта!» шиори остидаги Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, мевасабзавот ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун мавжуд резервларни изламоқдалар. Ўтган йилги иш натижаларини таҳлил қилиш орқали юксак натижаларга эришиш кўзда тутилган мажбуриятлар қабул қилинмоқда. Совхоз деҳқонларининг бу йилги марралари юксак. 4 минг тонна мева, минг тоннадан сабзавот ва полиз маҳсулотлари йиғиб-териб топширишга аҳд-қарор бергандар. Ҳар бир сигир ҳисобига уч минг килограммдан сут согиб олинади, бўрдоқига боқилган қорамоллар 390 килограммга етказилиб, гўштга топширилади.

Бу ташаббус область партия комитети томонидан маъқулланди. Совхоз партия ташкилоти коллектив томонидан белгиланган юксак мажбуриятларни бажариш учун омма ўртасида ташкилотчилик, сиёсий, ғоявий-тарбиявий ишларни кучайтирмоқда, юксак иш маромини таъминлаш учун барча имкониятларни ишга солмоқда. Бедазорларни кенгайтириш бошлаб юборилди. Кўк озуқа учун етиштирилаётган маккажўхори парваришида сифатли ўтказилмоқда. 120 гектар янги ерни ўзлаштириш, боғлар майдонини 30 гектарга кенгайтириш режаланаётир.

Хўжалик партия комитети социалистик мусобақани кенг оммалаштириш учун қайғураётир. Ҳар ўн кунда унинг натижалари чиқарилиб, голиблар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилаётир. Механизаторлар, боғбонлар ва чорвадорларнинг меҳнат қилиши ва дам олиши учун барча шарт-шароитларни яратиш бўйича тадбирлар амалга оширилмоқда.

МУНОСИБ ҲИССА

Беруний колхозлараро бўрдоқичилик комплекси коллективи коммунистик мўлкўлчиликни яратиш ишига муносиб ҳисса қўшмоқда. Йилдан-йилга чорва молларининг бош сони кўпайиб, гўшт, жун, қоракўл тери тайёрлаш ортмоқда. Яқинда комплекс коллективи КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорлари бўйича юбилей йили учун юксак социалистик мажбуриятларни қабул қилди. 40 минг қўй бўрдоқига боқилади, уларнинг кўшимча семириши 400 тоннани ташкил этади. Ихтисослаштирилган қоракўлчилик совхозлари ҳисобига тирик вазнда 1217 тонна гўшт топириш белгиланган. Бу вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш кўзда тутилган тадбирлар ишлаб чиқилди.

Илгаридагидек, бўрдоқига боқиш икки фермада амалга оширилади. У ерда меҳнат қилаётган кишилар учун зарур ҳайдов, транспорт тракторлари, автомашиналар, қўл меҳнатини камайтиришга ёрдам берадиган техника воситалари ажратиб берилган. Мавжуд бинолар ремонт қилиб қўйилди. 1200 тонна дағал хашак жамғарилди, 300 тонна маккажўхори дони, 500 тонна силос тайёрланди.

Область партия комитети Беруний колхозлараро бўрдоқичилик комплекси ходимларининг социалистик мажбуриятларини кўриб чиқиб маъқуллади ҳамда автоном республика партия комитетларига бу қимматли ташаббусни кенг муҳокама қилиш, СССРнинг 60 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани язада оммалаштириш вазифасини топширди.

ПАРТКОМ ВА ЧОРВАЧИЛИК

Ленинград районидаги Ҳамза Ҳакимзода номли совхоз партия комитети кейинги йилларда жамоат чорвачилигини ривожлантиришга кўпроқ эътибор берадиган бўлиб қолди. Амалга оширилаётган тадбирларда бу тармоқнинг самарадорлигини ошириш, корамолларнинг маҳсулдорлигини яхшилаш, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва тайёрлашни кўпайтириш муҳим ўрин тутмоқда. Маҳсулот тайёрлаш планларининг муваффақиятли бажарилишига ёрдам бермоқда. Кейинги бир йилда сут тайёрлаш 6 процентга ўсди, гўштга топширилаётган қорамолларнинг ўртача вазни 22 процент ортиб, 477 килограммга етди.

Хўжаликда жамоат чорвачилигининг озуқа базаси мустаҳкамланиб бормоқда. Совхозда ҳар гектар ер ҳисобига 344 центнердан маккажўхори кўк массаси, шунингдек, лавлаги ва бошқа экинлардан юқори ҳосил олиниб, хўжалик силос ва сенаж тайёрлаш планларини анча ошириб адо этди.

Совхоз партия комитетининг ҳисоботи эшитилган Ленинград район партия комитети бюросида амалга оширилаётган тадбирлар тармоқнинг самарадорлиги ортишига ёрдам бераётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Аммо ҳали бу соҳада фойдаланилмаётган имконият ва резервлар кўп. Масалан, ҳозир сигирлар ва товуқлар сони суст ўсмоқда. Гарчанд, сут согиб олиш кўпайган бўлса ҳам, у ўртача район кўрсаткичидан 317 килограмм камдир. Хўжалик давлатга топширилаётган маҳсулотнинг сифати пастлигидан ҳам анчагина зарар кўраётир. Чорвачиликнинг аҳволи мунтазам равишда таҳлил қилиб турилмайди. Партия комитети цех партия ташкилотларига етарли даражада талабчанлик кўрсатмаётир. Чорвадорлар ўртасида социалистик мусобақанинг йўлга қўйилиши талаб даражасида эмас.

Район партия комитети жамоат чорвачилигига раҳбарликни ҳар томонлама кучайтириш юзасидан конкрет вазифалар белгилади. Совхоз партия комитетига бу тармоққа шу кунинг юксак талабларига мувофиқ эътиборни кучайтириш мажбурияти юкланди.

Қарши, Жиззах чўллари ва Қорақалпоғистон АССРнинг янги хўжаликларида қад ростлаётган объектларни сифатли бинокорлик материаллари билан узлуксиз таъминлаб туриш «Каршистройиндустрия» бирлашмасига қарашли йирик панелли уйсозлик заводи коллективининг асосий мақсадидир. Завод коллективи олти ойлик планни муддатидан илгари бажарди, буюртмачиларга 7 минг квадрат метрдан зиёд маҳсулот жўнатди. Суратда: завод партия комитети секретари Б. Хўжақулов (чапда) М. Асанов бошчилигидаги қолипловчилар бригадасининг аъзоларини эришилган зафар билан қутламоқда.

Ш. Шаропов фотоси (ЎзТАГ).

ИНСТИТУТ, СТУДЕНТ, ТАЪЛИМ

Ёшлар тарбиясига комплекс ёндашайлик

Андижон давлат педагогика институти областдаги энг йирик, навқирон олий ўқув юртларидан бири. Институт ташкил топганидан буён халқ хўжалигига ўн икки ярим мингдан ортиқ мутахассис етказиб берди.

Ҳозир институтда еттита факультет бўлиб, ўн бир ихтисослик бўйича юқори малакали кадрлар тайёрланмоқда. Жумладан, кундузги бўлимда 1600, сиртқи бўлимда эса икки мингдан ортиқ студент таълим оляпти. Улар ўн олти миллат ўғил-қизларидир. Талабаларнинг чуқур билим олишлари, танлаган ихтисослари бўйича етарли малака ҳосил қилишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Билим даргоҳимизда 25 та кафедра мавжуд, икки юзга яқин педагог, шу жумладан олти фан доктори, юзга яқин фан кандидати ёшларга таълим-тарбия бермоқда.

Олий мактабнинг муваффақияти унинг моддий-техника базаси мустаҳкамланишига боғлиқ. Бу соҳада муайян ишлар қилинди. Партия ва ҳукуматимизнинг чексиз ғамхўрлиги туфайли институт учун янги ўқув комплекси қурилди. Кабинет ва лабораториялар энг янги асбоб-ускуна, техник воситалар ва қурилмалар билан жиҳозланди.

Институтимизда таълим-тарбия юксак савияга кўтарилган. Буни ўзлаштириш яхшиланган, дарсларни сабабсиз қолдирадиган, «қарздор» студентларнинг сони кескин камайганидан ҳам яққол кўриш мумкин. Билим масканимизда талабаларни ғоявий-сиёсий чиниқтириш соҳасида кўп ишлар қилинмоқда. Таълим-тарбия ва ўқув жараёнини янада такомиллаштириш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқилди. Студентлар, айниқса, институт остонасига илк бор қадам қўйган йигит-қизлар тарбиясига эътибор кучайтирилди. Ўқув йили бошларида улар билан институт раҳбарларининг учрашувларини ўтказиш анъанага айланиб бормоқда. Бундай жонли, қизиқарли суҳбатларда янги қабул қилинган студентлар институтнинг педагогик фаолияти, ички тартиб-қоидалар, таълим-тарбия ишларининг асосий йўналишлари билан танишадилар.

КПСС XXVI съезди делегатлари, ёзувчилар, шоирлар, Улуғ Ватан уруши ветеранлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари билан студентларнинг учрашувлари тез-тез ўтказиб турилади. Мароқли учрашувлар, ширин суҳбатлар студент-ёшларда катта таассурот қолдираётгани ҳеч кимга сир эмас. Тарбиявий ишнинг бу формаси ёшларда ватанпарварлик, инсонпарварлик туйғуларини кучайтирмоқда. Уларни яхши ўқишга даъват этмоқда.

Бўлажак ўқитувчиларнинг маънавий тарбияси ўқитиш жараёнининг ажралмас қисми ҳисобланади. Институт ректорати ва партия ташкилотида студентларнинг ғоявий-сиёсий, меҳнат ва маънавий тарбияси юзасидан 1981—1985 йилларга мўлжалланган перспектив план ишлаб чиқилган. Бу планни бажаришга барча кафедралар жалб этилган. «Коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси», «Инсон инсонга дўст, ўртоқ, биродар» мавзуида ҳалоллик, камтарлик ҳақида тез-тез семинарлар ўтказиб турибмиз.

Студентларнинг кўп вақти ётоқхоналарда ўтади. Шу сабаб савол-жавоб кечаларини асосан уларнинг иккинчи уйида ўтказяпмиз. Ҳар бир кечага пухта тайёргарлик кўрамиз. Жумладан, фалсафа кафедраси аъзолари кеча ўтказиш олдидан студентларни қизиқтирадиган масалалар бўйича саволлар тўплашади.

Илмий-тадқиқот ишлари ҳам бизда яхши йўлга қўйилган. Ўтган беш йиллик давомида олимларимиз ўнта монография, 15 ўқув қўлланмаси, тўртта илмий тўплам чиқардилар. Олимларимизнинг илмий тадқиқотлари турли нашриётларда китоб ва рисола ҳолида босилиб чиқиши қувончли ҳолдир. Ҳамма кафедраларда илмий-тадқиқот ишларининг перспектив плани тузилган. Бўлажак тадқиқотчи олим илмий ишни студентликдан бошлайди. Шуни ҳисобга олиб, илмий ишларга талабаларимиз кенг жалб қилинмоқда. Институт студентлар илмий жамияти совети илмга чанқоқ ёшларни ўттизга яқин илмий тўгараклар, студентлар конструкторлик бюроси ва илмий-назарий конференциялар ишларида қатнашишга жалб этган. Ижтимоий фанлардан рефератлар ёзиш, диплом лойиҳаларини ҳимоя қилиш студентларимизга республика ва иттифоқ миқёсидаги конкурс ва конференцияларда қатнашишга кенг йўл очмоқда. Институтимиз талабалари ўтган йили студентларнинг республика илмий конференциясида иккинчи ўринни олишга муваффақ бўлдилар. Студентларни коммунистик руҳда тарбиялашда илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланиш катта аҳамият касб этмоқда.

Биз студентларнинг турар жой, маиший шароитини яхшилашга алоҳида эътибор беряпмиз. Ётоқхонага мухтож бўлган студентларнинг ҳаммаси турар жой билан таъминланган. Ётоқхоналарда бесш минг нусха китоб фондига эга бўлган иккита ўқиш зали бор. Қизил бурчак, дам олиш хоналари кўнгилдагидек жиҳозланган. Ётоқхоналардаги тарбиявий ишларга асосан студентлар совети раҳбарлик қилади. Кафедралар билан ҳамкорликда саккиз юздан зиёд студентни ўз бағрига олган интернационал дўстлик клуби ташкил этилган. Бир неча йилдирки, ётоқхоналарда дискоклуб ишлаб турибди. Дискоклуб қошида музика маданиятини ўрганиш халқ университети бор. Студентларга медицина хизмати кўрсатиш ҳам анча яхшиланди.

Коллективимиз студент-ёшларни спортга жалб этиш соҳасида катта ютуқларни қўлга киритди. Ҳозир талабаларимизнинг 80 процентидан кўпи физкультура ва спорт билан шуғулланмоқда. Ўтган беш йилликда институт спорт клуби шаҳар кўнгилли спорт жамиятлари билан ҳамкорликда студентлардан 66 СССР спорт мастери, 97 мастерликка номзод, 388 биринчи разрядли спортчи тайёрлади.

Бизда йигит-қизларнинг меҳнат тарбиясига алоҳида эътибор берилаяпти. Ҳар йили ёзги меҳнат семестрида талабаларимиз қурилиш отрядларида актив иштирок этадилар. Ўтган йили студент-ёшлардан ташкил топган қурилиш отряд лари Калинин области (РСФСР) ва Қарши қурилишларида қатнашдилар. Бу йил ҳам зарбдор қурилишга жўнаб кетдилар. Студентларнинг кучи билан институтимизда спорт зали, сузиш ҳавзаси қурилди. Ҳашар йўли билан футбол майдони барпо этилди. Хўжаобод райони территориясидаги спорт-соғломлаштириш лагери ҳам студентлар ва ўқитувчиларнинг кучи билан яратилган. Ҳар йили бу ерда 300 дан ортиқ студент ва ўқитувчи / дам олади.

Билим даргоҳимизда «Наврўз», «Квант» ансамбллари ҳамда драма тўгараклари бўлиб, унда 900 га яқин студент иштирок этмоқда.

Умуман ёшлар тарбияси юзасидан кўп иш қилинди. Студентларнинг ўқиши, илм олиши учун ҳамма нарса муҳайё. Бироқ бажарилиши лозим бўлган асосий ишлар ҳали олдинда. Институтимиз коллективи КПСС XXVI съезди қарорларига амал қилган ҳолда ўқув-тарбия ишида юқори сифат ва самарадорликка эришиш учун астойдил курашаверади.

А. ҚОСИМОВ,
Андижон давлат педагогика институтининг ректори, профессор.

Кашфиёт кўлами — космосдан ер пўстлоғигача

Тошкентдаги бинокорлик материаллари институти «Нинстройпроект» олимларининг кашфиёти туфайли цемент иккинчи марта бунёд этилди.

Цемент ишлаб чиқариш анъанавий жараёни узоққа чўзилади ва қимматга тушади. Бу материал мураккаблиги домна печларидан камлик қилмайдиган махсус печларда ҳосил қилинади. Оҳактош, гил ва бошқа қўшимчалардан иборат хом ашё қоришмаси 1400—1500 градус температурада пиширилади. Индустриямиз кўламларида бир йилда бир неча миллион тонна цемент пиширib чиқарамиз — бунга ўн миллионлаб тонна ёқилғи ва электр энергия сарфини қарийб учдан бир ҳисса камайтиради. Паст температурада пиширилган цементдан қотирилган бетон синаб кўрилганида у «классик» бетондан пишиқроқ бўлиб чиқди ва нисқка ҳам совуққа ҳам баб-баравар бардош бера олишини кўрсатди, ундаги арматура коррозияга камроқ дуч келар экан. Шувдай қилиб, бу янгилик ҳаётга дадил кириб бормоқда. Ўзбекистонда яратилган тажриба-саноат технологик линияси жаҳон практикасида беқиёсдир.

Авторлар шу кашфиёт асосида 39 та ихтиро қилдилар. Шулардан 13 таси АҚШ, ГФР, Францияда патентланди. Цемент заводлари учун машина-ускуналар ишлаб чиқарувчи етакчи чет эл фирмалари илғор совет технологиясига зўр қизиқиш билан қарамоқдадар.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«КЕЧИРИММИ Ё СОХТА УЯТЧАНЛИК»

Газетамизнинг шу йил 25 апрель сонида босилган юқоридаги сарлавҳали танқидий мақолада Деҳқонобод районидаги Суворов номли мактабда сиёсий-тарбиявий ишлар бўшаштириб юборилганлиги, шунингдек, «Ленин йўлидан» район газетаси фаолиятидаги айрим нуқсонлар очиб ташланган эди.

Ушбу танқидий мақола юзасидан **ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ** редакциямизга қуйидаги мазмунда жавоб йўллаган.

— Мақола область партия комитетида кўриб чиқилди Унда кўрсатилган фактлар тасдиқланди.

Деҳқонобод район партия комитети ва район халқ маорифи бўлимига Суворов номли мактабда тарбиявий ишларда жиддий камчиликларга йўл қўйилганлиги ва бу ишлар қониқарсиз аҳволда эканлиги кўрсатиб ўтилди. Область халқ маорифи бўлимига мазкур мактабда мақолада қайд этилган нуқсонларни бартараф этишда амалий ёрдам кўрсатиш топширилди. Деҳқонобод район партия комитети ва район газетаси редактори Н. Салаев эътибори 1981 йилнинг 11 июлида «Ленин йўлидан» район газетасида босилган «Жиянинг жазаваси» фельетони юзасидан жавобни босиб чиқаришда сенсалорликка йўл қўйилганлигига жалб этилди.

Айни вақтда шуни ҳам маълум қиламизки, «Жиянинг жазаваси» фельетони Деҳқонобод район партия комитетида кўриб чиқилган. Мазкур фельетонда ноаниқликка йўл қўйилганлиги учун газета редактори Н. Салаевга ҳайфсан эълон қилинган. Суворов номли мактаб ишларида камчиликларга йўл қўйганлиги учун район халқ маорифи бўлими мудири Р. Қорақуловга ҳайфсан берилди, мактаб директори А. Ҳайитов вазифасидан бўшатилди.

Республикамиз ҳаритаси олдида

КЕНЖА ШАҲАР

Шовотни республикадаги энг кенжа шаҳарлардан бири деса бўлади. Район маркази йилдан йилга обод бўлиб, юксалиб замонавий посёлкага айланди. Ўтган йили эса Шовотнинг истиқболи ҳисобга олиниб, у шаҳарга айлантирилди.

Биз, шовотликлар энди ўзимизни шаҳарлик ҳисоблаймиз. Шундай дейишга ҳамма асосларимиз бор. Шаҳар тез юксалиб борляпти. Қурилишларнинг кўлами катта. Буларни кўриб қалбимиз қувончга тўлади. Кейинги икки йил ичида юзга яқин хонадон ҳовли тўйи ўтказди. Кўчалар, йўлкалар асфальтланди. 120 ўринли марказий болалар касалхонаси, поликлиника, маиший хизмат комбинати, юз минг китоб фонди бўлган кутубхона, қатор магазинлар, ошхоналар, кафелар қад кўтардики, булар Шовотнинг қиёфасини ўзгартириб юборди.

Шовот канапининг ўнг соҳилида янги уй-жой массиви қад ростламоқда. Бу ерда 624 ўринли мактаб, 280 ўринли боғча, Санъат саройи ва бошқа бинолар қурилиши бошлаб юборилди.

Шаҳарликлар Шовотни янада обод, кўркам қилиш учун куч-ғайратларини аямайдилар. Меҳнаткашлар ташаббуси билан катта хашар ўтказилиб, 16 гектарлик истироҳат боғи барпо этилди. Ҳозир эса хашар йўли билан 20 минг ўринли спорт комплекси қурилмоқда.

Бу ерда саноат корхоналари ҳам барпо этиляпти. Асфальт, мармар ва гишт заводлари янги қурилишларга материал етказиб бермоқда.

Шаҳар аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш ҳам йилдан-йилга яхшиланиб боряпти. Мен ишлаётган гилам тўқиш цехи коллективи эса бу йил икки йиллик планни адо этишга сўз берди. Маиший хизмат комбинатимиз «Гўзаллик» салони ва темир йўл станциясида икки қаватли маиший хизмат уйини қуришни кўзда тутмоқда.

Гуллаб-яшнаётган шаҳримиз севикли Советлар диёри тараққиётининг рамзидир. Биз обод шаҳримиз билан, гўзал турмушимиз билан фахрланамиз ва бунга жавобан фидокорлик билан меҳнат қиламиз.

Дармонжон ВАҲОБОВА,
Шовот шаҳар аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинати ишчиси.

ТЕМИР ЙЎЛ ВОКЗАЛИ

Марғилон станциясида янги темир йўл вокзали фойдаланишга топширилди. Миллий услубда лойиҳаланган янги бинони Урта Осиё темир йўлига қарашли 370-қурилиш-монтаж поезднинг коллективи қурди. Вокзалда кутиш зали майдони кенгайтирилди, кассалар ва буюмларни саклаш автоматлари қўйайтирилди, оналар ва болалар хоналари, ресторан, соя-салқин жойлар кўпайтирилди. (ЎзТАГ).

ЁЗУВЧИ ЁН ДАФТАРИДАН

ОТА ВА ЎҒИЛ

Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати

2. СУВ ДОСТОНИ

Сув...

Сувнинг нақадар бебаҳо эканлиги маълум нарса, у ахир машҳур тўрт унсурнинг бири, у ҳамма жойда ҳам азиз. Лекин сув ҳеч қайда Фарғонадагичалик эъзозланмаса керак, деган хаёлга бораман баъзан. Чунки водийни водий қилган сув ва меҳнат! Кейинги пайтларда республикада, бутун мамлакатда кўп ирригация иншоотлари қурилди. Едимда бор: бир куни радиода Катта Андижон каналининг қуриб битказилганлиги ҳақида ахборот бериб қолишди. Буни эшитган отам менга қараб:

— Қара-я, ўғлим, бутун бошли бир канал қурилиб ҳитказилибди-ю, шундоқ ёнгинада туриб буни радиодан билиб ўтирсак!.. — деди афсуслангандек. — Эҳ-ҳе, бизлар қурган Фарғона каналини кўрсайдинг, доврўги олам-жаҳонни тутиб кетгандиё!

Албатта давримизда қурилишлар кўп, ҳатто катта бир канал қурилиши ҳам улкан янгиликлар орасида кўмилиб қолиши мумкин. Иккинчи томондан, бундай қурилишларнинг матбуотда, адабиётда етарлича ёритилмаслигида балки биз адибларнинг ҳам айбимиз бордир? Балки ҳаётга кам аралашмиз? Сибирь дарёларини Ўрта Осиёга оқизиш манзарасини бир тасаввур этиб кўринг! Порлоқ манзара!

Мен отамнинг кайфиятини тушуниб турибман. Бугунги кунда мард фазогирлар самода ойлаб «тирикчилик» қилиб келишмоқда, лекин Ер атрофини бор-йўғи бир марта айланиб тушган Юрий Гагаринни эслаганда ҳар кимнинг ҳам юраги орзиқиб кетади. Отам ҳам ўша завқшавқли романтикага бой йилларни — Катта Фарғона канали қурилиши йилларини хотирага олиб, хаёл тизгинини бўш қўйган эди.

Эшон ака, қаерда иш бўлса қидириб топадиган, қайтмас, ўтлиг бир руҳли инсон ўша йилларда ҳам меҳнат жабҳасининг олдинги марраларида эди. Эркинжон аканинг қиҳоя қилиб беришича, бутун трасса давомида қирқта участка бўлиб, ота оғир участкалардан бирига бошлиқ экан. Икки юз эллик метр ер фақат кетмон, белкурак билан қазилган, тупроқ замбилда ташилган. Шу кунларда Эшон ака уйидан хушхабар келади: у қиз кўрибди! Буни эшитган Йўлдош ота Охунбобоев чақалоққа «Каналхон» исмини беришни таклиф қилади. Ота бунга рози бўлади. Бу эътиқод тимсоли эди, чинакам эътиқод тимсоли!

...Машинамиз Дўрмонча қишлоғига кириб келди. Биз Эшон ота кабрини зиёрат этмоқка борар эдик.

— Бу — Дўрмонча, — деди Эркинжон ака. — Номи таниш ўхшаётгандир?

— Жуда таниш кўриняпти, — дедим мен. Эркинжон ака бирдан шеър ўқиб юборди:

Дўрмончага кетдим ўтуб,
Ёқамни ҳар соат тутиб,
Етдим ул оқшом ғам ютуб,
Дашти қароқчизор экан...

— Муқимий! «Саёҳатнома!».

— Топдингиз! Улуғ шоиримиз шу ерларда саёҳат қилган эди-да! У пайтлар қароқчизор экан, ҳозир эса, мана, кўринг, чаман-боғ...

Бу гапга кулиб қўяман. Дўрмончадаги 26-мактаб ўқувчилари дарсда улуғ демократ шоирнинг ўз қишлоқлари ҳақида ёзганларини ўқиб, унча ишонишмайди. Дарҳақиқат, олтмиш йилда бурунги қароқчизор ерларнинг шундай чаман бўлиб кетиши ақл бовар қилмайдиган нарса.

Эркинжон ака йўл четида келаётган чолни кўриб, шофёрга:

— Тўхтат! — деди. Тушиб, чол билан кўришдик. Чол қабристон томонни кўрсатиб, бугун ҳашар чақирилганини айтди. Жуда кўп ёш-яланглар, кексалар қабристон атрофидаги дарахтлар тагини юмшатишар, ариқларини қазишар, Эшон ота музей-ёдгорлиги биноси олдидаги гулзорга оро бериб, ишкомларни кўтаришар эди. Биз музей биносига кирган ҳам эдикки, ортимиздан район партия комитетининг биринчи секретари Ғуломжон Назиров ҳам етиб келди. Музей хоналарига зиёратга инсоннинг ҳаёт йўлини кўрсатувчи ҳужжатлар, турли йилларда олинган суратлар қўйилган. Стендларга машҳур партия ва давлат арбоби Шараф Рашидов, адиблар Ғафур Ғулом, Комил Яшинларнинг Эшон ака ҳақида айтган самимий сўзлари ҳам ёзилган эди. Музейнинг ходими Тоҳир Ҳамроқулов бизга ҳужжатлар, суратлар тарихини мазмунли гапириб берди.

— Падари бузрукворимиздан бир умр миннатдормиз.., — деди Эркинжон ака музейдан чиқиб, колхознинг ғарб томонида жойлашган даштга йўл олар эканмиз.— Бораётган даштимиз ҳам у кишининг номи билан боғлиқ, ҳали гапириб бераман.

Машинамиз колхоз қишлоқларини оралаб борарди.

— Доим аҳволимиздан хабардор эди, ҳар кун сводка сўраган, ишнинг борили билан қизиққан... Қаттиққўл эди, болаларга шундай бўлгани тузук шекилли. Набираларини ҳеч бир кўздан қочирмас эди. Менинг Орифжон деган ўғлим бор. Уни политехника институтига юбормоқчийдим, инженер бўлсин дейман-да. Отам келди. «Орифжон пахтакор бўлади — туриш-келбати, ҳаракатида шу нарса кўриниб турибди. Унга бирорта бригадани бер, ўқишни сиртдан битириб олади!».

— Отамнинг гаплари шундай бўлди. Мана бугун отамнинг айтганлари тўғри бўлиб чиқди: Орифжон, уч йилдирки, Қизилтепа массивида бригадирлик қилади. Эллик беш гектар ери бор, бу йилги мажбурияти олтмиш бешдан! Қарсиллатиб ишлаяпти.

— Унинг машъалларимиздан эканини айтинг! — деди Ғуломжон ака гапга қўшилиб. — Ўзаим комсомолёшлар бригадаси-да!

— Мен ҳали отамнинг қаттиққўллигини айтдим. Агар мен папирос чекиб турсам-у, у киши шунинг устига келиб қолса, жуда хафа бўларди. Қаттиқ оларди.

Эркинжон аканинг бу гапи унинг Эшон отани ҳанчалар ҳурмат этишини кўрсатиб турибди. Эшон отани умри водийни сув билан таъминлаш, обод этиш ишига омихта бўлиб кетган. Канал қурилишида ҳам, сўнг узоқ йиллар канал бошида турганда ҳам бутун куч-ғайратини ўзининг севган ишига — водий ерларини суғориш ишига қаратди; Марказий Фарғона чўллари, хусусан. Бўз ва Комсомолобод райони ерлари чаман-боғларга айланди, юзлаб гектар ерлар шўрдан тозаланди, энди улар мўл ҳосил бермоқда. Эркинжон ака яхши эслайди. Эшон ота Бағдоднинг ғарби-жанубидаги тошлоқ ерларга — ҳозир у ерларни «Дашт» дейишади — тез-тез бориб турар эди. Бу ерда уч-уч ярим минг гектарча ер ув йўқлигидан бенаф ётарди. Қаердан сув олиб келиш керак? Катта Фарғона каналиданми? Хўш, сув келди ҳам дейлик. Бу тошларда бирон экин-тикин қилиш мумкинми?..

Эшон ота «Дашт»га келганида кўпинча унинг ёнида Эркинжон ака бўларди, отанинг гапларини эшитиб, мағзини чақишга уринар эди.

— Отамнинг орзуси — «Дашт»га сув чиқармоқ эди, — деди Эркинжон ака. Машинамиз даштга кириб келаётганди. Йўлларда одам энгашса сиғиб юра оладиган маҳобатли қувурлар дўнграйишиб ётарди. Эркинжон ака гапини давом эттирди:

— Шу гап кўнглимга қаттиқ ўрнашиб қолди. Шу даштга сув чиқарсак, тошлоқ ерлар сонга киради, отамнинг руҳи ҳам шод бўлади. Лекин муқкул томони шундаки, бу ерлар бир юз йигирма метр баландликда жойлашган, сув чиқиши оғир. Сувни фақат насослар ёрдамида чиқариш мумкин. Шу ниятда Бағдод насос станциясини қура бошладик.

— СССРнинг Озиқ-овқат программасида, — деди Ғуломжон ака Назиров, — шундай сўзлар бор: «...Ўзбекистонда • сахро ва ярим сахро зоналардаги яйловлардан рационал фойдаланилсин. Суғориладиган янги ерлар ишга туширилсин...». Бу сўзлар жуда ҳам керакли сўзлар. Мана, Бағдод насос станциясининг биринчи навбати ишга тушди. У даштга ҳозир бир кубометр сув чиқариб бермоқда. Шунинг ўзи 2300 гектар янги ерларни суғоради... Бу сувдан фақат «Большевик» колхози эмас, балки «Победа», Жданов номидаги колхозлар, совхозлар ҳам фойдаланади. Станциянинг иккинчи навбати ишга тушса, 4800 гектар ер сув ичади.

— Ана бу ётган қувурлар шунликми? — деб сўрадим мен. Гапимга Ғуломжон ака жавоб қайтарди.

— Ҳа. Ўзи ҳам нақ Челябинск металлургия заводидан олиб келинмоқда.

— Уч ярим миллион сўм пул сарф қилинмоқда бу насосга. У секундига икки кубометр сув чиқара олади.

Машинамиз «Дашт»га кирди. Бу ҳақиқатда ҳам ўз оти билан дашт экан. Эркинжон ака шофёр Маҳмуджонга: — Йўлдан юр. — деб қўяди. Аммо ҳеч қанақа йўл йўқ, машина текис жойларни териб боради. Уч-тўрт ерда одамлар трактор прицепига тарақлатиб тош ортмоқда.

— Бу одамлар нима қилишмоқда? — деб сўрайман Эркинжон акадан.

— Тошларни теришмоқда, — дейди ҳазил қилиб, кейин тушунтиради:— Шунақа қилиб тошлоқни ерга айлантирамиз. Аввал тошларни териб оламиз, устидан ўн беш сантиметрча тупроқ ташлаймиз.

— Насос қачон ишга тушади?

— Сувайш канали ўн йил, Панама канали йигирма беш йил қурилган экан. Катта Фарғона канали қирқ беш кунда қуриб битказилган. Биз бир ойга қолдирмаймиз. Каналдан ўн километр узунликда қувур ётқизиб келамиз, ҳамма қувурлар келиб бўлган.

Бу ҳақиқатан одамни қойил қолдирадиган иш эди.

— Энди, бу ўзлашган ерларда пахта экиладими?

— Боғ-роғ қиламиз, — деди Ғуломжон ака. — Программада айтилганидек, мева-чева, сабзавот етиштирамиз. Бир минг олти юз тонна мева, беш юз тонна узум топширишимиз керак...

— Ҳали бир ой ҳам бўлгани йўқ, шу ерларда янги боғдорчилик совхози ташкил қилдик. СССРнинг олтмиш йиллик тўйи нишонланадиган бу йилда ташкил топган янги совхозга «Дўстлик» номи берилди. Совхоз бир минг икки юз гектар ерга эга. Директори ҳам ўзимизнинг агроном, ўзим тарбия қилганман...

Эркинжон ака ғурур билан гапирарди. У бир ўғлини уйли-жойли қилиб, рўзғорини бут этиб, ажратиб қўйган мамнун отага ўхшарди. Ҳа, мамнуну бахтиёр ота! Уч ўғилу икки қиз, тўққиз набираси бор бахтли ота! Табаррук отанинг умрини, ишини давом эттираётган ўғил!

Инсондан бу дунёда излар қолади, ёруғ ва нурли излар. Излар бу — унинг қилган эзгу ишлари ҳам, инсонларга қилган яхшиликлари ҳам. Тоғларнинг бошини боғлаб келтирган сув ҳам излар, йўллар. У барпо айлаган боғлар ҳам улуғ изларнинг ўзгинасидир. Унинг қолдирган энг порлоқ изларидан бири — фарзандлардир. Фарзанд дегани ҳали отанинг босиб ўтмаган мингминг чақирим йўли, ҳали ижро этиб улгурмаган иши, ҳали кўрмаган роҳати, ҳали рўёбга чиқмаган орзуси, ҳали бажо этолмаган хизмати... Эшон аканинг қутлуғ изларидан бири Норин сувини Бағдодга келтириш бўлса, Эркинжон аканинг бу сувни Даштга чиқариши ўша қутлуғ изнинг давоми бўлади.

Машҳур «Большевик» колхозининг раиси, кўп орденлар эгаси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, республикада хизмат кўрсатган пахтакор Эркинжон Усмонхўжаев бригада ўғли Орифжонга бир гапни такрорлаб туришни яхши кўради: «Эътиқод — инсон учун улуғ бир тоғ. Эътиқодингни йўқотма, шунда ҳаётинг бутун бўлади, ўғлим!».

Ўғил отанинг гапини ҳар гал янги эшитгандай бўлади ва мамнун бош иргаб қўяди.

Фарғона область,
Бағдод райони.



Ленинградда Марказий робототехника ва техник кибернетика илмий-тадқиқот ҳамда тажриба конструкторлик институти ташкил этилди. Унинг ходимлари инсон меҳнатини енгиллаштирувчи замонавий техникани яратиш устида иш олиб бормоқдалар. Суратда: институт ходимлари томонидан яратилган МП—90 роботи. У СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг олтин медали билан тақдирланган.

М. Блохин фотоси (ТАСС).

● АСТРАХАНЬ

Астрахандаги хўжаликлар помидор теришга киришди. Далаларда помидор терадиган комбайнлар, кенг қамровли транспортерлар ишлатилмоқда. Механизациялаштирилган қайта ишлайдиган пунктлар сони кўпайди. Шу мавсумда область сабзавоткорлари ўз маҳсулотларини мамлакатдаги қирқта шаҳар меҳнаткашларига юборишни мўлжаллаб турибдилар.

● САРАНСК

Саранск экскаватор заводининг конвейеридан юз мингинчи экскаватор тушди. Корхона ишга туширилганидан бери шунча машина ясалди. Мордва машинасозларининг маҳсулоти қишлоқ хўжалигида кенг кўламда қўлланилмоқда. Бундай машиналар ишлаб чиқариш доимо кўпайиб бормоқда. Экскаваторлар бир неча операцияларни бажариш учун мўлжалланган алмаштириладиган самарали ускуналар билан таъминланган бўлиб, бу нарса техникадан фойдаланиш коэффициентини оширишга имкон беради.

● ЕРЕВАН

«Армэлектромаш» бирлашмасида ясалган бир тўп трансформаторлар Уренгой-Помари-Ужгород газ қувурини ётқизаётганларга муддатидан илгари ортиб жўнатилди. Агрегатлар ғоятда пишиқ ва самарали бўлиб, конструкциясини ўзгартириш ҳисобига хизмат муддати икки баравар оширилган. Газ қувурини ётқизишда бирлашма маркази қўйилган кўчма электр станциялардан фойдаланишяпти. Ҳозир корхонада янги типдаги генераторлар, газ магистралларини қурувчилар учун трансформатор подстанциялари ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўрилмоқда.

(ТАСС).

Чет элларда

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

«АВРОРА» КЛУБИ

Прагаҳинг марказидаги 28 Октябрь кўчасида очилган клуб «Аврора» клуби деб аталади. Клубга шундай ном берилганлиги бежиз эмас. Бу ном тиллларда достон бўлиб қолган крейсердан тўп отилиши билан бошланган Улуғ Октябрь ғояларининг улуғворлиги рамзидир. Бу клуб Чехословакия — Совет дўстлиги иттифоқининг Чехия Марказий Комитети ҳузурида ташкил этилган.

«Аврора» клуби шаҳарнинг муҳим маданий ва ижтимоий марказларидан бири бўлиб қолади. Клуб билан бирга очилган биринчи кўргазма буни тасдиқлайди. Кўргазманинг экспозицияси ҳар икки мамлакатнинг қардошларча ҳамкорлигини ва жумладан Прага метросининг қурилишини тасвирлайди.

Чехословакия — Совет дўстлиги иттифоқи Чехия Марказий Комитетининг секретари Я. Гавелка ТАСС мухбирига бундай деди: клуб фаолиятининг программаси кенг. Биз Советлар мамлакати ҳаётнинг барча соҳаларида, эришган жуда катта ютуқларни мумкин қадар кенгроқ кўрсатиб беришни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйдик. Ихтисослаштирилган кўргазмалар Улуғ Октябрнинг 65 йиллиги ва СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига очилади.

СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРДА

Болгарияда бу йилги ёз жуда иссиқ ва қуруқ келди. Шу сабабли қишлоқ меҳнаткашларидан ҳосилни сақлаб қолиш учун янада зўр ғайрат билан ишлаш талаб этилади. Улар далаларни суғоришга алоҳида эътибор бермоқдалар. Мелиораторлар ҳар куни бир неча сменада ишлаб, 30 минг гектардан зиёд майдонни суғормоқдалар.

Ҳозирги вақтда Болгарияда 1,2 миллион гектар суғориладиган ерлар бор. Бу — экин экиладиган бутун майдоннинг тўртдан бир қисмини ташкил этади. Бу ерлардан деҳқончилик маҳсулотларининг қарийб 60 процента олинмоқда. Аввало, суғориш техникасидан ва шу жумладан Советлар мамлакатида ишлаб чиқарилган ҳамда яхши натижа берган ёмғир ёғдирувчи «Фрегат», «Волжанка» установкалари, автоматлаштирилган «Дружба» суғориш системасидан моҳирона фойдаланиш натижасида шундай юксак кўрсаткичларга эришилди. (ТАСС).

ЛИВАНДАГИ АҲВОЛ

БАЙРУТ, 13 июль. (ТАСС). Фаластин ВАФА информация агентлиги беш ҳафталик уруш ҳаракатларидан сўнг вужудга келган аҳволни шарҳлаб, Исроил Ливанга қарши агрессия чоғида берган оғир талафотларга қарамай, Фаластин Озодлик ташкилоти (ФОТ)ни узил-кесил ҳарбий мағлубиятга учратолмади, деб таъкидлайди.

Исроил, деб давом қилади агентлик, ФОТнинг сиёсий обрў-эътиборини бадном этишга, шунингдек унинг босиб олинган территорияларда яшаётган фаластинлик аҳоли билан алоқаларини бузишга муваффақ бўла олмади. Шу рейонлар аҳолисининг Исроил оккупация режимига қарши давом этаётган чиқишлари шундан далолат беради.

Ҳозир Байрутда навбатдаги, олтинчи ўт очишни тўхтатиш битими амалда. Воқеалардан маълум бўлишича, Исроил ўз позицияларини мустаҳкамлаб олиш ва резерварни тортиб келтириш учун бундан аввалги ҳамма ўт очишни тўхтатишлардан фойдаланди ва ўзи учун қулай вақтда уни бемайлихотир бузаверди. Бу сафар ҳам Исроил қўмондонлиги ғарбий Байрутга ёндош районларга яна 130 та танк ва бронемашиналарни ташлади.

Олинаётган хабарларга кўра, Исроилда Ливандаги урушга қарши норозилик ҳаракатлари давом этмоқда. Исроилдаги «Ливандаги урушга қарши» комитет ташкил қилган кўп кишилик митинг Ҳайфа шаҳрида бўлиб ўтди. Митинг қатнашчилари бараварига «Бегин ва Шарон истеъфога чиқсин!» деб хитоб қилдилар. Ливандан қайтиб келган солдат ва офицерлар Тель-Авивда йиғилиш ўтказиб, Ливандаги уруш дарҳол тўхтатилсин, деб талаб қилдилар.

«АГРЕССИЯ МАҚСАДЛАРИ БАРБОД ЭТИЛСИН»

«ТИШРИН» ГАЗЕТАСИ НИНГ МАҚОЛАСИ

Сурия нинг «Тишрин» газетаси ўз шарҳларида қуйидагиларни ёзади: «Исроилнинг Ливан ва Фаластин халқларига қарши жиноятларини планлаштиришда қатнашган ва агрессорни вайронгарчилик келтирувчи курол билан таъминлаган Америка империализми ҳатта ошкора ва бевосита аралашиш йўли билан бўлса ҳам ўзининг разил ишини ниҳоясига етказиш ниятидадир. Вашингтон кейинги кўнларда ўзининг бутун куч-ғайратини фаластинликларни Ливандан «кўчириш»га, аниқроқ қилиб айтганда Ливандан ҳайдаб чиқаришга сарф қилмоқда. Шу билан бирга АҚШ фаластиниликларнинг Ливанда истиқомат қилиши илгари қабул қилинган халқаро қарорларга мувофиқ қонуний эканлиги каби фактни жўттага назарписанд қилмаяпти».

Фаластиниликлардан, деб таъкидлайди газета, Ливандан чиқиб кетишни талаб этмоқдалар. Бу талабни амалга оширш учун Америка 6-флотининг кемаларида «эвакуация» қилиш каби жуда ҳақоратли тадбирни таклиф этадилар. Айни вақтда Исроил ўзининг Ливандаги оккупациячи корпусини номуайян вақтгача сақлаб қолиш ниятида эканлигини яширмаяпти. Фаластиниликлар бундай «таклифлар»га рози бўлганида бу ҳол Фаластин араб халқининг ўз ҳуқуқлари учун адолатли курашигагина эмас, балки бутун араб халқига ҳам, шу жумладан, ҳозирги пайтда Ливандаги фожиадан ўз юмиб, бунга эътиборсиз қараётган араб раҳбарларига ҳам ҳалокатли зарба бўлур эди.

Бундай шароитда «эвакуация» планларини қатъиян рад этган Сурия нинг позицияси Фаластин революциясини ҳимоя қилиш, агрессиянинг ошкора ва яширин мақсадларини барбод этиш юзасидан ўз зиммасига олган қатъий мажбуриятига асосланади. Жанг ҳали тамом бўлмаганлигини агрессор ва унинг иттифоқчилари билиб қўйсинлар, деб ҳитиради газета. Америка — Исроил интервенцияси барбод этилиб, Фаластин араб халқининг ўз юртига қайтиб, ўзининг мустақил давлатини вужудга келтириш ҳуқуқи таъминланганидагина жанг тамом бўлишини улар билиб қўйсинлар.

Сурия ҳар қанча қурбон бериб бўлса ҳам, қардош араб халқини ҳимоя қилишга қатъий қарор бергандир. Бу халқнинг ҳаёти хавф остида қолди. Сурия Ливан ва Фаластин жангчилари билан жанговар иттифоқни мустаҳкамлаб, исроиллик босқинчиларни ҳайдаб юбориш учун ўз ихтиёридаги мавжуд ҳамма воситалардан фойдаланади. Шу билан бирга, деб ёзади «Тишрин» газетаси мақоланинг охирида, Сурия ўз имкониятларига, шунингдек дўстларининг ёрдамига, аввало Совет Иттифоқининг ёрдамига таянади. (ТАСС).

Дамашқ.

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

ОММАВИЙ НОРОЗИЛИК НАМОЙИШИ

АММОН. Қуддуснинг араблар яшайдиган шарқий қисмида яқинда фаластинлик студентларнинг Иордания дарёсининг ғарбий соҳилида ва араблардан босқин олинган бошқа территорияларда Исроил маъмурларининг бебошлиги ва репрессияларига қарши оммавий норозилик намойиши бўлиб ўтди.

Намойиш иштирокчилари ғарбий соҳилдаги арабларнинг Бир-Зайт университетини уч ой муддатга ёпиб қўйиш тўғрисидаги камситувчи қарорнинг бекор этилишини Тель-Авив маъмурларидан талаб қилдилар. Исроилнинг Ливандаги вақшиёна агрессиясига қарши норозилик билдирган Бир-Зайт талабаларининг катта намойишига жавобан Тель-Авив маъмурлари ўтган ҳафтада шу қарорни қабул қилган эдилар. Бу ердан олинган хабарларга қараганда, шарқий Қуддусдаги намойишни тарқатиб юбориш чоғида Исроил полициячилари қурол-ярог ва таёқларни ишга солганлар. 50 дан кўпроқ киши қамоққа олинган.

ТАИЛАНД ҲАРБИЙЛАРИНИНГ ҚУРОЛЛИ ИҒВОГАРЛИКЛАРИ

ПНОМПЕНЬ. Таиланд ҳарбийлари халқ Кампучияси чегарасида қуролли иғвогарликларини давом эттирмоқдалар.

Кампучиянинг СПК информация агентлиги хабар беришича, Таиланд артиллерияси 2 июлдан 8 июлгача бўлган давр ичида Кампучиядаги Преэхвихие, Сиемреап, Баттамбанг ва Поусат вилоятларининг чегарага яқин районларини 56 марта қаттиқ тўпга тутганлар. Шу вақт ичида Таиланд ҳарбий-ҳаво кучлари республиканинг осмон чегараларига бир неча бор бостириб кирган, Таиландниг қуролланган кемалари эса Кампучия Халқ Республикаси территориал сувларининг чегарасини 100 мартадан кўпроқ бузиб ўтган. (ТАСС).

ҚАҲР-ҒАЗАБ БИЛАН ҚОРАЛАМОҚДАЛАР

НЬЮ-ЙОРК. Нью-Йоркда Исроилнинг Ливандаги агрессиясига қарши оммавий норозилик намойиши «Ливандан қўлингни торт!», «Американинг исроилик агрессорларга ҳарбий ёрдами тўхтатилсин!», «Фаластин халқини қирғин қилиш тўхтатилсин!» деган шиорлар остида ўтди. Неграл, студентлар ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотларининг вакиллари шаҳар кўчаларидан Юнион-сквер майдонига боришди. Бу майдонда митинг ўтказилди.

Намойишда қатнашчилари Америка денгиз пиёдаларини Ливанга юбориш ҳақида Р. Рейган маъмурияти ишлаб чиқаётган режаларни қаҳр-ғазаб билан қоралардилар.

БОННГ. Исроил Коммунистик партияси Марказий Комитети Бош секретарининг ўринбосари Тауфик Туби Ғарбий Германиянинг «Ўнзере цайт» газетаси саҳифаларида қуйидагиларни таъкидлайди: Тель-Авивнинг Ливанга қарши агрессияси Америка империализмининг ҳомийлари ва бевосита моддий ҳамда сиёсий ёрдами билан ўтказилмоқда. Исроилнинг бостириб кириши Исроил маъмурларининг гўё Исроил хавфсизлигини мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб бу уруш олиб борилмоқда, деб ғаламислик билан қилаётган даъволарига тамомила зиддир. Аслида эса Исроил агрессияси Фаластин араб халқини бутунлай қириб ташлаш мақсадини кўзда тутади.

Бегин-Шарон ҳукумати Фаластин араб халқининг манфаатларини ифода этувчи Фаластин Озодлик ташкилотини тугатиш, Исроил найзаларининг ёрдами билан Ливанда қўғирчоқ ҳукуматини ҳокимият тепасига қўйиш ва бу билан ана шу мамлакатни Америка — Исроил протекторатига айлантириш, Суриядаги антиимпериалистик режимни ағдариб ташлаш учун уринмоқда. (ТАСС).

КАПИТАЛИЗМ ИЛЛАТЛАРИ

КИНЕМАТОГРАФИЯ ИНҚИРОЗИ

Қоҳирадан олинган хабарларга кўра, Миср кинематографияси чуқур тангликни бошидан кечираётир. Миср фильмлари бадиий даражасининг ғоятда пасайиб кетганлиги, маҳаллий бозорларнинг чет эл лента лари билан тўлиб-тошиб бораётганлиги ва бошқа қатор сабаблар бундан далолат беради. Танглик миқёсининг кенгайиб кетганлигини мамлакатда жуда кўпчилик кинотеатрларнинг ёпилганлиги ҳам кўрсатиб турибди. Чунончи, ҳозир 460 кинотеатрдан 160 тасигина ишлаб турибди. Миср Араб Республикаси маданият министри М. Радваннинг эътироф этишича, миллий кино санъати шундай боши берк кўчага кириб қолдики, агар ҳукумат бунга нисбатан бирор шошилинч чора кўрмаса, бу соҳани ҳалокат гирдобидан халос қилишга умид қилиб бўлмайди.

НУРСИЗ ИСТИҚБОЛ

АҚШ пўлат эритиш саноатида 23 процент кишн ишсизлик азобини чекмоқда. Мамлакатда чиқадиган «Айрон эйж» журнали ана шу фактни шарҳлаб, индустриянинг энг зарур тармоғидаги бундай мудҳиш аҳвол урушдан илгариги «улуғ депрессия» йилларида ҳам юз бермаганлигини эслатади.

Агар ўтган йилнинг ўзига таққосланадиган бўлса, Қўшма Штатларнинг пўлат эритиш саноатида 26 мингга яқин ишчи ўрни қисқарган, 1965 йилга солиштирилганда эса, 2 баравардан ҳам кўп камайган. «Айрон эйж» Америка металлургия саноатининг истиқболига пессимистик тарзда баҳо беради, яқин келажакда бу соҳада бирор таскин берувчи манзарани кўриш қийин деб уқтиради.

ЭНГ ЮҚОРИ ДАРАЖА

Брюсселдан хабар берилишича, Европа иқтисодий ҳамжамияти мамлакатларида ишсизлик даражаси ҳозирги пайтда энг юқори нуқтага етганлиги таъкидланади. Масалан, «ортиқча» кишилар сони айни вақтда 10,5 миллион кишидан ҳам ортиб кетган. Бу эса «умумий бозор» доирасига кирувчи давлатлардаги меҳнат қилишга ёлқатли кишиларнинг 9,5 процентдан кўпроғини ташкил этади. Бу ҳақда Европа иқтисодий ҳамжамиятининг статистика бошқармаси тўла ва ишончли маълумот эълон қилган. Шунингдек, маълумотда ишсизлар сони ҳозирги даражадан ҳам ортиб кетиши кутилаётганлиги таъкидланади.

Озиқ-овқат программасини бажариш — умумхалқ иши

РЕЗЕРВЛАР ИШГА СОЛИНСА...

МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТЕКШИРАМИЗ

Тошкент, Калинин, Оржоникидзе районлари меҳнат аҳли зиммасига пойтахтимизни мева, сабзавот, полиз ва чорва маҳсулотлари билан таъминлашдек масъулиятли вазифа юкланган. Ана шу шарафли вазифани муваффақиятли бажариш билан мамлакатимизнинг Озиқ-овқат программасига муносиб ҳисса қўшишга бел боғлаган деҳқонлар экинларни намунали парвариш қилиш билан бир қаторда ҳосил йиғим-терими ни уюшқоқлик билан олиб боришмоқда.

Оржоникидзе районидаги «Правда» колхозида мўл, сифатли ва таннархи арзон маҳсулот етиштириш борасида катта тажриба тўпланган. Бу йил ҳам юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилаётган миришкорлар эл дастурхонига 2 минг тоннадан зиёд картошка, 13 минг 100 тонна сабзавот, қарийб 700 тонна узум ва 900 тоннага яқин мева етказиб бериш мажбуриятини олишган.

Биз колхоз далаларида бўлганимизда юксак мажбуриятга яраша мўл ҳосил етиштирилаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Эртаги сабзавотлар пешма-пеш қабул пунктларига жўнатиляпти. Колхоз деҳқонлари шу кунгача давлат қабул пунктларига 2 минг 650 тоннадан зиёд сабзавот етказиб бердилар. Бунинг талайгина қисми Москва, Ленинград меҳнаткашларига, Тюмень нефтчилари, БАМ бунёдкорларига жўнатилди. Айни кунларда колхозчилар ва уларга ёрдамга келган Тошкент давлат медицина институти студентлари мева, сабзавот ва картошка ҳосилини йиғиб-териб олишни уюшқоқлик билан олиб боришмоқда.

Социалистик мусобақада Абдували Пўлатов бригадаси пешқадамлик қиляпти. Бригаданинг 51 гектар ерида сабзавот экинларидан ҳар йилдагидек бу йил ҳам мўл ҳосил етиштирмоқда. Юбилей йилида қарийб 1700 тонна сабзавот, 150 тонна картошка етиштиришга бел боғлаган бригада аъзолари шу кунгача 340 тонна сифатли сабзавот маҳсулотлари теріб топширилар. Бригадада эртаги карам ҳосилдорлиги гектар бошига 250 центнердан ошиб кетди. Ҳозиргача ҳар гектар ердан 60 центнердан ошириб бодрииг йиғиштириб олган сабзаворкорлар айни кунларда теримни кун сайин қизитмоқдалар. Уларнинг мақсади мавжуд бодринг пайкаларининг ҳар гектаридан яна 100 центнердан маҳсулот топширишдан иборат. Нуриддин Валиев бошлиқ бригада азаматлари ҳам юбилей йилида ҳар қачонгидан кўп сабзавот етиштириш учун ўзаро мусобақалашиб меҳнат қилишмоқда.

Аммо колхозда ўз имкониятлари даражасида ишламаётган бригадалар ҳам мавжуд. Масалан, Маъруф Машрапов бошлиқ бригада аъзолари шу кунгача давлат қабул пунктларига 40 тонна маҳсулот етказиб бердилар. холос. Бригадада эртаги карам ҳосилдорлиги 80 центнердан ошмади. Ер шароити бир хил бўлиб, ўғит, сув, техника воситалари билан етарли таъминланаётган бир тақдирда ҳосилдорликда бундай катта тафовутнинг бўлиши ачинарли ҳол, албатта. Ана шундай бригадаларнинг тажрибасизлиги ва ишни агротехника талаблари асосида ташкил этмаганликлари туфайли колхоз эртаги карамдан давлатга пландаги 2850 тонна ўрнига 2038 тонна ҳосил топширди. Бу, шаҳарликлар дастурхонига 800 тоннадан зиёд карам кам етказиб берилди, демакдир.

Ўйлаймизки, колхоз раҳбанлиги, партия ташкилоти илғорлар тажрибасини оммалаштириш ҳисобига кам ҳосилли бригадаларни юқори ҳосил олаётган коллективлар даражасига кўтариш чораларини кўрадилар, Зеро, Озиқ-овқат программасини муваффақиятли ҳал этиш, халқимизнинг мева, сабзавот, полиз экиларига бўлган талабини тўлароқ қондиришда бу асосий резервлардан бири ҳисобланади.

Колхоз ўтган 6 ой давомида давлатга сут топшириш ярим йиллик планини ошириб бажарди: 430 бош соғин сигирдан 554 тонна сут соғиб олинди. Бу ўтган йил шу даврдагига нисбатан қарийб 100 тонна кўп. Аммо фактларни чуқурроқ таҳлил этадиган бўлсак, сигирлар маҳсулдорлиги анча пастлигини кўрамиз. Хўжаликда асосан қора-ола зотли моллар парварриш қилинади. Пешқадам хўжаликларда ана шундай сигирлардан йилига 5—6 минг килограммдан сут соғиб олинаётган бир пайтда, колхозда бу кўрсаткич 3000—3200 килограммни ташкил этаётир. Олти ой мобайнида ҳар бир сигирдан соғиб олинган сут ўртача 1438 килограммни ташкил этган. Сут соғувчиларнинг асосий қисми ярим йиллик план ва мажбуриятларини ўдалай олишмади. Колхоз сут топшириш планини хонадонлардан олинган сут ҳисобига ошириб бажарган.

Кўриниб турибдики, колхозда чорва маҳсулдорлигини оширишнинг ҳам резервлари кўп. Гап ана шу резервларни ишга солиш, илғорлар тажрибаси асосида молларни намунали парварриш қилиш ҳисобига чорва маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтиришда қолган.

СССРнинг Озиқ-овқат программаси қишлоқ меҳнаткашлари олдига масъулиятли вазифалар қўймоқда. Совхоз меҳнаткашлари ишни ана шу вазифалар асосида ташкил этиб, эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш, йўл қўйилган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш ва мўлкўл озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш билан СССРнинг 60 йиллик юбилейини муносиб кутиб олишга эришадилар, деган умиддамиз.

К. РИХСИЕВ.
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

АДАБИЁТИМИЗ КЎЗГУСИ

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» 50 ЁШДА

ВКП(б) Марказий Комитетининг «Адабий-бадиий ташкилотларни қайта тузиш ҳақида»ги 1932 йил 23 апрелдаги қарори «Шарқ юлдузи» журналининг ташкил топишида муҳим омил бўлди. Бу журналнинг ташкил этилиши партия Марказий Комитетининг адабиётга, совет ёзувчиларига бўлган ғамхўрлигининг ёрқин намунасидир.

50 йил давомида «Шарқ юлдузи» коммунистик ғояларнинг жўшқин тарғиботчиси, социалистик ҳаёт тарзини мадҳ этувчи журнал бўлиб қолди. У ҳамиша Коммунистик партия кўрсатган йўлдан оғишмай иш олиб борди. «Шарқ юлдузи» ҳаёт билан бирга қадам ташлади, жамиятнинг долзарб масалаларини бадиий шаклда кўтариб чиқди, уларнинг туб моҳиятини халққа тушунтириб берди.

«Шарқ юлдузи»ни адабиётимизнинг кўзгуси деб тўғри айтишади. Унда ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза асарларидан бошлаб, А. Ориповнинг асарларига қадар кенг ўрин олган. Биророта ўзбек ёзувчи-ларидан, унинг асари журналда босилмаган бўлсин. Ҳамид Олимжон, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Ўйғун, Яшин, Шайхзода, Шароф Рашидовларнинг роман ва поэмалари, ҳикоя ва шеърлари «Шарқ юлдузи»ни ҳам мазмунан, ҳам бадиий жиҳатдан бойитди ва адабиётимизни юқори погонага кўтарди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, атоқли адиб Шароф Рашидов «Шарқ юлдузи»га йўллаган Табрикномада журналнинг фаолиятига юксак баҳо бериб, унинг қилган хизматларини жуда тўғри таъкидлаб ўтади:

«Ўтган вақт ичида журнал жуда катта камолот йўлини босиб ўтди, маърифат ва маданият чароғбонига, илҳом ва ижод манбаига, маҳорат ва жасорат мактабига айланди. Кенг китобхон оммасининг ҳурмат-эътиборини, меҳр-муҳаббатини қозонди. Катта-ю кичик ёзувчини бағрига олиб, ўз атрофига жипслаштириб, таълим-тарбия берди, ҳаммамиз учун мураббийлик вазифасини адо этиб келди. Қизғин муноза-ралари ва муҳокамалари, қимматли тавсия ва маслаҳатлари билан ижодий жараёнда бевосита иштирок этди, адабиётимизга янгича ғоявий руҳ ва шукуҳ бахш этди».

Журнал социализм қурилишининг ҳар бир соҳасида фаол иштирок этди, жамиятимизнинг ривожига ўзининг беқиёс улушини қўшиб келди.

Қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш вақтида «Шарқ юлдузи» дала майдонларини кезди, ялт этиб кўринган янгиликни, илғор деҳқонларни ўз саҳифаларига олиб кирди. Мамлакатимизни индустрлаштириш журнали завод ва фабрикаларга, қурилиш ва транспорт тармоқларига олиб кирди. Ишчи ва қурувчининг жўшқин қалби бадиий асарлар орқали «Шарқ юлдузи» саҳифаларида жўш уриб турди.

Журнал эскиликка, хурофот-бидъатларга қарши ҳамиша бош кўтарди, коммунистик ахлоқнинг тўла тантана қилиши учун ҳормай-толмай курашди. «Ҳужум» йиллари нурга, илм-маърифатга, фойдали ижтимоий меҳнатга интилган хотин-қизлар билан бирга яшади, уларга ҳамдард, ҳамфикр бўлди, уларни қўлидан маҳкам ушлаб тўла озодлик томонга йўллади.

Улуғ Ватан уруши даврида эса, журналда босилган асарлар қаҳрамонлари жанг майдонига кирдилар, Ватанимизнинг озодлиги учун, немис-фашистларини пачақлаб ташлаш учун бир томчи қонлари қолгунча курашдилар.

Улуғ ғалаба ва тинчлик «Шарқ юлдузи»га янги проблема ва янги мавзу олиб кирди. Ғолиблар ва мамлакат вайроналарини тездан бартараф этган, меҳнатнинг турли соҳасидаги азаматлар журнал саҳифаларига кириб бордилар. Уларнинг ёрқин образлари эса социализмнинг узил-кесил тантана қозонишига, коммунизм қурилиши ишига кўмаклашдилар.

Журнал ўз фаолиятини янги инсонни камол топтириш ҳамда унинг эстетик дидини оширишга қаратди.

Совет кишисини мадҳ этиш, қаҳрамонона меҳнатни куйлаш, мардона курашни кўрсатиш — «Шарқ юлдузи»нинг энг асосий вазифаси бўлиб қолди.

«Совет кишиси, — деб таъкидлаган эди Л. И. Брежнев, — бу ҳалол меҳнаткаш, юксак сиёсий маданиятга эга инсон, ватанпарвар ва интернационалистдир. Уни партия, мамлакатимизнинг қаҳрамонона тарихи, бутун тузумимиз тарбиялаб етиштирди. У янги дунё бунёдкори сифатида ғайратшижоат билан яшамоқда».

Худди шундай инсоннинг образини яратган асарлар бирин-кетин журнал саҳифаларидан мустаҳкам жой олиб борди. Кўкан, Зайнаб, Омон, Обид кетмон, Гулсара, Ҳуррият, Ойқиз каби образлар ўзларининг илк қадамларини «Шарқ юлдузи» саҳифаларидан бошлаганлар.

Йўлчи, Алишер Навоий, Улуғбек, Абу Али ибн Сино, Беруний-ларнинг мукаммал образлари билан журналхонлар биринчи бор «Шарқ юлдузи»да танишди.

Журналнинг энг катта ютуқларидан бири шундаки, унда адибларимизнинг турли жанрларда яратган улуғ доҳиймиз В. И. Ленинни улуғловчи шеър ва поэмаларига, прозаик ва драматик асарларига катта ўрин берилди.

Булардан ташқари халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилаётган ишчи ва колхозчи, қурувчи ва олим, ўқитувчи ва инженер, врач ва милиционер, жангчи ва тинчлик учун курашувчи, хуллас барча кишиларнинг образлари «Шарқ юлдузи»даги асарларнинг асосий қаҳрамонлари бўлиб қолди.

Бу шуни кўрсатадики, журнал социалистик воқелик билан, янги ҳаёт билан, Ўзбекистон адабиёти ва санъати тараққиёти билан узвий боғлиқ ҳолда адабиётимизнинг кўзгуси сифатида адиблариминг яхши асарларини кенг тарғиб қилди, адабий жараёнга самарали таъсир этди. Бу ҳол республикамизнинг адабий-бадиий, социал-маданий ривожида унинг улкан роль ўйнаганлигини кўрсатади.

«Шарқ юлдузи» бутун тарихи давомида янги порлоқ ҳаётни, социалистик турмуш тарзининг принципларини тасдиқлаш, жонажон партиямизнинг сиёсатини амалга ошириш учун изчиллик ва ҳаққонийлик билан кураш олиб борди.

Тинчлик мавзуси, фашизм ва империализмга, янги уруш оловини ёқмоқчи бўлган ёвларга қарши кураш мавзуси журналдан катта ўрин олган. Журнал ҳамиша тинчлик ғояларини кенг тарғиб қилди ва урушнинг олдини олишга, ҳушёрликни оширишга даъват этди.

Халқлар дўстлигини тарғиб қилишда ҳам журналнинг ўзига хос ўрни бор. Олтиндан қиммат, бўрондан кучли, пўлатдан мустаҳкам, океандан чуқур, тоғдан баланд бўлган дўстликни журнал ўзбек қаламкашларининг турли халқ номояндалари ўртасида меҳнатда ва жангда, курашда ва эстетда чиниққан биродарлигини акс эттирувчи асарларини босиб, иккинчидан эса, бошқа қардош халқлар адиблари ижодларига кенг ўрин бериш орқали мадҳ этиб, ўзининг интернационал бурчини бажариб берди. Бундан ташқари ҳар хил миллатдаги қаламкашларнинг турли съезд ва конференцияларини, кенгашлардаги учрашувларини, улар ўртасидаги шахсий ижодий самиммий муносабатларини ёритиш ҳам улуғ мақсадни рўёбга чиқаришга қаратилган эди.

Ўзбекистонда ўтказилган адабиёт ва санъат декадалари, ҳафталикларида ва кунлари ҳамда ўзбек адиблари ва маданият ходимларининг қардош республикаларда бўлишларига доир масалаларнинг журнал саҳифаларига кенг кириб борилиши ҳам халқлар ўртасидаги биродарликни кучайтирадиган омиллардан эканлиги шубҳасиздир. Биз фахр билан айта оламизки, журналимизнинг деярли бironта сони йўқки, унда қардош адабиёт намунаси ёки унинг ҳақида материал берилмаган бўлсин.

«Мен «Шарқ юлдузи» журналидан жуда миннатдорман, «Шарқ юлдузи» фақат ўзбек адабиётининг ютуқ ва муваффақиятларини акс эттирувчи кўзгугина бўлиб қолмасдан, балки ҳаётбахш адабий жараённи ташкил қилувчи йирик адабий марказлардан бири ҳамдир. Шунингдек, чет эл ва қардош халқлар адиблари-нинг асарларига кенг ўрин ажратиши ва тарғиб қилиши ҳам унинг катта хизматлари сирасига киради». Бу сўзлар Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, атоқли бошқирд адиби Мустай Каримга тааллуқлидир. Зеро, журнал ўзининг бутун йўлида партия ва халқ манфаатларидан келиб чиқишга, коммунистик ғояларга хизмат қилишга астойдил ҳаракат қилди.

Партия раҳбарлигидан куч ва қудрат олган, ундан чексиз руҳланган «Шарқ юлдузи» адабиётимизнинг ғоявий софлиги, бадиий юксаклиги учун курашди, совет кишиларини ижодий меҳнат зафарларига илҳомлантирди. Унинг халқ ва партия олдидаги тарихий хизматлари мана шунда.

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ,
«Шарқ юлдузи» журналининг бош редактори.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

ҚУЁШ БАМга ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Тинда чекнасидаги «БАМтранстехмонтаж» трестининг ишчилар ётоқхонасини қиш бўйи қуёш... иситиб чиқди. Махсус қурилма қуёш энергиясини йиғиб, иссиқ сув билан таъминлаш системасига бериб турди ва шу билан ҳатто қаҳратон совуқда ҳам уйларда керакли ҳароратни сақлашга ёрдам берди.

Иситиш мавсуми тугаши билан ниҳоясига етган тажриба, унинг авторлари — Главбамстрой махсус конструкторлик технология бюроси ходимларининг айтишларича, анъанавий иссиқлик манбаларини тежаш мақсадида қуёш энергиясидан фойдаланиш имкониятини тасдиқлади. Бу ерда электр сарфи контролдаги бинога нисбатан қариб учдан бир ҳисса кам бўлди.

— Бундай тажрибалар бизнинг мамлакатимизда ва чет элларда ўтказиб келинаётган бўлса-да, шимолий кенгликнинг 50-градуси нарёғида илк бор ишлатиб кўрилаётир, — деди суҳбатда махсус конструкторлик-технологик бюро бўлимининг бошлиғи, техника фанлари кандидати В. Пластун. — Айни шу ерда, БАМ зонасида айниқса қурувчилар посёлкаларини иссиқ сув билан таъминлаш проблемаси ғоят муҳим бўлиб турибди. Бу регионда паст ҳарорат йилига тўққиз ой давом этади, энергия ресурсларини келтириш эса қийин. Бундан ташқари мангу музлик шароитларида ташқи иссиқ сув тармоқларини қуриш харажатлари нўл. Ҳолбуки бу ердаги қуёшли кунлар сони мамлакатнинг жанубий районларига яқинлашади. Биз шуни назарда тутдик. Хуллас, тажриба чоғида олинган дастлабки натижалар умидли чиқмоқда: иситиш ва иссиқ сув билан таъминлаш эҳтиёжлари учун қуёш энергиясини «йиғиш» ва уни ишлатиш техник ечимлари топилди.

Қуёш энергиясидан фойдаланиш учун қулай районларда бугунги кунда ўнлаб миллион киши яшамоқда. Қуёш энергиясидан фойдаланиш ҳисобига ёқилғи-энергетика ресурслари сарфининг камайиши халқ хўжалигига жуда катта иқтисодий самара беради.

В. БИРЮКОВ,
ТАСС мухбири.
Тинда,
Амур области.

Элеонора Николаевна КУЦЕНКО

Республика олий мактаби оғир жудоликка учради. В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг биринчи проректори, Ўзбекистон ССР-да хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор, 1954 йилдан КПСС аъзоси Элеонора Николаевна Куценко оғир касалликдан сўнг 50 ёшида вафот этди.

Э. Н. Куценко 1933 йилда Тошкентда туғилди. В. И. Ленинг номли Тошкент давлат университетини 1955 йилда битиргач, умрининг кўп йиллари мобайнида шу ерда ишлади, ассистентликдан университетнинг биринчи проректоригача бўлган йўли босиб ўтди.

1967—1971 йилларда Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигида Олий ўқув юртлари бошқармасининг бошлиғи бўлиб ишлади. Бу системанинг раҳбар лавозимларида ишлаган Э. Н. Куценко Ўзбекистонда олий таълимни ривожлантириш ва такомиллаштириш ишига катта ҳисса қўшди.

Э. Н. Куценко студент ёшлар орасида катта обрў-эътибор қозонди, ўзининг бутун билими ва истеъдодини юқори малакали математик мутахассисларни ўқитишга ва тарбиялашга бағишлади.

Талантли педагог сифатида илмий методик ишларни такомиллаштиришга, ўқитувчиларнинг малака ва маҳоратини оширишга кўп эътибор берди.

Э. Н. Куценко илмий-педагогик ишни жамоатчилик фаолияти билан бирга олиб борди. У комсомол, совет ва партия органлари составига бир неча бор сайланди, университет комсомол комитетининг секретари, партия комитети секретарининг ўринбосари бўлди. Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг аъзоси, Тошкент шаҳар Советининг депутати қилиб сайланди.

Партия ва ҳукумат Э. Н. Куценконинг актив илмий-педагогик ва жамоатчилик фаолиятини юксак баҳоладилар. У «Ҳурмат Белгиси» ордени ва СССР медаллари билан мукофотланди, унга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони берилган эди.

Истеъдодли ташкилотчи, олима, сезгир ва меҳрибон дўст, принципиал коммунист Э. Н. Куценконинг ёрқин хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги
В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг ректорати, партия комитети, касаба союз ва комсомол комитетлари коллективи.

ҚАРШИ ШАҲАР 130-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1982—1983 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти Ўзбекистон ССР Тайёрлов, Энергетика министрликлари ҳамда Ўзбекистон ССР Кинематография давлат комитети корхоналари учун малакали ишчилар тайёрлайди.

Билим юрти тегирмон жиҳозлари ва омихта ем ишлаб чиқариш мастерлари ва машиналарини созловчилар, дурадгорлар, автослесарлар, автомобиль крани машинистлари, киномеханиклар, ҳисоблаш машиналари операторлари ҳамда юқори кучланишли электр линияларда ишловчи электр монтёрлар тайёрлайди.

Билим юртида ўқиш муддати 1—3 йил бўлиб, 8—10 синф маълумотига эга бўлган 15 ёшдан 27 ёшгача бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқиш даври узлуксиз иш стажига киради. Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Ўқишга қабул қилинганлар иссиқ овқат, кийим-бош ва ётоқхона билан таъминланади. Ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 процента тўланади.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ўқув юртларига имтиҳонсиз, яхши баҳоларда битирганлар эса конкурссиз қабул қилинадилар.

Билим юртининг спорт залларида спортнинг барча турлари бўйича машқлар моҳир тренерлар раҳбарлигида олиб борилади.

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

Бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида йил давомида ишлаб турадиларидаги.

Билим юртига кирувчилар директор номига ёзилган ариза-га қўшиб таржимаи ҳол, маълумоти ҳақида ҳужжат (асли), медицина справкаси, турар жойидан справка, 3x4 см, ҳажмидаги 4 дона фотосурат топширадилар, туғилганлик тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт шахсан кўрсатилади.

Ариза ва ҳужжатлар ҳар куни эрталаб (якшанбадан ташқари) соат 9 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Адрес: Қарши шаҳри, Қашқадарё посёлкаси, 130-техника билим юрти (3-автобуснинг «Ун комбинати» бекати).

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТЬ Раъно УЗОҚОВА НОМИДАГИ ДЕНОВ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

1982-83 ўқув йили учун

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Мактабгача болалар муассасаларига тарбиячилар: ўқиш муддати 2 йилу 6 ой. 10-синфни битирган қизлар қабул қилинади.

Ўқишга кирувчилар адабиётдан (иншо) ва СССР тарихидан (оғзаки) имтиҳон топширадилар.

Умумий таълим мактаблари 4—8-синфларининг меҳнат ва чизмачилик ўқитувчилари: ўқиш муддати 2 йил. 10-синфни битирганлар қабул қилинади.

Ўқишга кирувчилар математикадан (оғзаки) ва адабиётдан (иншо) имтиҳон топширадилар.

Умумий таълим мактабларининг музика ўқитувчилари ва музика тарбиячилари: ўқиш муддати 4 йил. 8-синфни битирганлар қабул қилинади.

Ўқишга кирувчилар она тили ва адабиётдан ёзма (диктант), она тилидан (оғзаки) музика назариясидан (оғзаки) имтиҳон топширадилар.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: директор номига ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат, соғлиги ҳақидаги справка (286-форма). Қабул қилинганлар ётоқхона билан таъминланади.

Ҳужжатлар 15 августгача қабул қилинади.

Имтиҳонлар 1 августдан бошланади.

Адрес: Сурхондарё область, Денов район, «Ғалаба» колхози.

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

МУЗИКАШУНОСЛАРИМИЗ АРМУҒОНИ

Шу кунларда барча совет халқлари СССР Иттифоқининг қутлуғ 60 йиллигига муносиб тўёналар ҳозирлашмоқда. Яқинда мамлакатимиз пойтахтидаги «Музика» нашриёти «Музикальная культура Узбекской ССР» («Ўзбекистон СССР музика маданияти») тўпламини нашрдан чиқарди. Бу республикамиз музикашуносларининг шонли юбилейга муносиб армуғонларидир. Тўпламдан республикамизнинг таниқли музикашуносларининг энг ёрқин ва сермазмун асарлари ўрин олган.

«Ўзбекистон ССР музика маданияти» тўпламида жамланган асарлар республикамиз музика маданиятининг турли тармоқлари ҳақида, музика санъати камолоти ҳақида қисқоя қилади. Опера, симфоник музика, музикали драма, хор асарлари, қўшиқчилик, умуман замонавий музиканинг ҳамма турлари равнақи, бунда музика меросимизнинг бениҳоя катта роли тўпламдаги асарларда чуқур ва атрофлича таҳлил қилинади. Музикашунос олимларимиз республикамизнинг таниқли композиторлари ижоди, уларнинг энг сара асарлари таҳлили мисолида музика маданиятимиз, ундаги янгича анъаналар ва бунинг самараларини кўрсатиб беришган. Шуниси қувончлики, тўпламда Ф. Кароматов, Т. Визго сингари қатор йирик музикашунослар билан бирга Т. Ғафурбеков, З. Каримова сингари бир неча ёш истеъдодли музикашуносларнинг асарларига ҳам кенг ўрин берилган.

Тўпламдаги мақолалар Ўзбекистон ССР музика маданияти ҳақида китобхонларда атрофлича тасаввур уйғотади.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

Бутуниттифоқ ГТО ҳафталиги

САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Барча совет кишилари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллик юбилейини меҳнатда юксак кўрсаткичлар билан нишонлаш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Москва ва Ленинград шаҳарларининг илғор корхоналарида бошланган «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта!» ташаббуси мамлакатда кенг қўллаб-қувватлангандан бери ўтган 35 ҳафтанинг ҳар бири кўтаринки руҳда, юқори савияда якунланди. Навбатдаги зарбдор ҳафталикнинг Бутуниттифоқ ГТО комплексига бағишланганлиги физкультура ва спорт жамоатчилигини беҳад қувонтирди.

«Меҳнат ва СССР мудофаасига тайёр» физкультура комплекси ҳафталигини республика пойтахтида ҳар жиҳатдан пухта ҳозирлик, ташкилий жиҳатдан уюшган ҳолда ўтказишга ҳаракат қилинмоқда. Маълумки, ГТО комплекси нормативларини топшириб, нишондор бўлиш 10—13 ёшли ўсмирлан тортиб катта ёшдаги кишиларни жалб этишга имкон беради. Совет кишилари ГТОнинг бешта босқичи бўйича ўтказиладиган баҳсларда иштирок этиб, саломатликларини мустаҳкамлайдилар. Чунончи, «Жасурлик ва чаққонлик», «Спорт сменаси», «Қўчилик ва мардлик», «Жисмоний камолот», «Тетиклик ва бардамлик» босқичларидан ўтган киши ГТО нишондори бўлади.

Зарбдор ҳафталикнинг ўтган уч кунлигида тошкентликлар спорт-соғломлаштириш байрамида иштирок этдилар. Спортимиз юлдузлари ва ветеранлари билан учрашдилар. Оммавий югуриш ва эстафетали баҳсларда куч синашдилар. Енгил атлетика мусобақаларининг қизғин кураша айланганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Кеча шаҳар меҳнаткашлари ўзларининг бўш вақтларини мерганлик майдонида ўтказадилар. Нишонга олиш ишқибозлари 105-ўрта мактаб тирида мусобақалашишди.

Умуман Бутуниттифоқ ГТО ҳафталиги кунлари «Старт», «Текстильщик», «Меҳнат» ҳамда тракторсозлик ва асбобсозлик заводларининг стадионларида, «Буревестник» спорт базасида турли мусобақалар ўтказилянти. 63-ҳунар-техника билим юрти, 44-ўрта мактаб спорт майдончалари ҳам шаҳарликлар ихтиёрида. Зарбдор ҳафта мобайнида шаҳар меҳнаткашларининг ГТО нормативларини топширишлари қизғин баҳсга айланиши учун ҳаракат қилмоқдамиз.

А. ИШОЕВ,
Тошкент шаҳар спорт комитети раисининг ўринбосари.

САНЪАТ ОЛАМИДА

АНДИЖОНЛИК ДОИРАЧИЛАРГА ОЛТИН МЕДАЛЬ

Андижон ип газлама комбинати маданият саройи доирачилари ансамблининг корхона тўқув цехида бўлиб ўтган концерти ГДРга қилинган сафар тўғрисидаги ижодий ҳисобот бўлди.

Бадиий коллектив социалистик мамлакатлар халқ ҳаваскорлик ижодиёти фестивалида қатнашди. Фестивалнинг олтин медали, дипломлари, фахрий ёрликлари, ташкилот комитетининг эсдалик совғалари туэилганига ҳали бир йил ҳам тўлмаган ансамблнинг юксак ижрочилик маҳорати далили бўлди.

Ансамблда йигирма тўртта ҳаваскор артист шуғулланмоқда. Уларнинг энг ёши Алимжон Ҳакимов эндигина ўн бирга кирган. Ансамблга унинг акаси Комилжон Ҳакимов раҳбарлик қилмоқда. Бу ансамблда Ҳакимовнинг яна бир укаси — Аҳмаджон ҳам доира чалади. У ип газлама комбинатида мастер ёрдамчиси бўлиб ишлайди.

(ЎзТАГ).

БАҲСЛАР ВА ҒОЛИБЛАР

● **СУЗИШ.** Киевда ўтказилган СССР чемпионатида тошкентлик С. Заболотнов 200 метрга чалқанча сузишда 2 минут 01,14 секундли натижа билан СССР рекордини ўрнатиб, ғалаба қозонди.

● **ЕШЛАР ЎЙИНЛАРИ.** Олмаотада сув тўпи бўйича 1—8 ўринлар учун финал учрашувида вакилларимиз Москва командасини 8:7 ҳисобида енгишди. Москвада эса чим хоккейчи қизларимиз Озарбайжон (1:0), Ленинград (3:0) командаларидан устун келишган бўлса, ўсмирларимиз Грузия (3:1) ва Қозоғистон (0:3) хоккейчилари билан учрашдилар.

● **ЧИМ ХОККЕЙ.** Республикамизда меҳмон бўлиб турган кубалик хоккейчилар Фарғонада «Химик» (2:1, 1:2), Андижонда «Звезда» (1:4) ҳамда «Старт» (1:3) командалари билан ўртоқлик учрашуви ўтказдилар.

● **ВЕЛОПОЙГА.** Мюнхенда Европа кубоги учун ўтказилган трек пойгада тошкентлик А. Панфилов минг метрли масофага 1 минут 05,45 секунд сарфлаб, иккинчи ўринни олди. Унинг ҳамшаҳри Н. Дудин эса Москвада ўтказилган Бутуниттифоқ пойгасида 200 километрли йўлни иккинчи бўлиб босиб ўтди.

● **КУРАШ.** Новосибирск шаҳрида И. Поддубний хотираси совғини учун классик кураш бўйича ўтказилган халқаро мусобақада тошкентлик В. Аникин (48 кг) билан К. Фатнулин (57 кг) муваффақият қозондилар.

● **ФУТБОЛ.** «Торпедо» — «Днепр» учрашувида 2:1, биринчи лига вакиллари СКА (Р) — «Звезда» (Жиззах) коллективлари ўйинида 3:1 ҳисоби қайд қилинди.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА ЎЗТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

АХБОРОТ

МЕДИКЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Пойтуғ пахта тозалаш заводи ходимлари Андижон областининг ўзида Бутуниттифоқ шифохонаси — Қирғизистоннинг Жалолобод курортида шифобахш сув ва балчиқ билан даволанишлари мумкин. Корхона ҳузурида ишлаб турган санаторий-профилакторий коллективи Жалолобод медиклари билан яқин алоқани йўлга қўйган. Жалолобод медиклари завод шифохонасини табиий шифобахш воситалар билан таъминлаб турибдилар.

Ишчилар санаторийсининг корпуслари Корадарё соҳилидаги хушманзара жойда қад кўтарган. Бу ерда ҳар йили корхона ходимларидан 800 киши, областдаги бошқа корхоналарнинг ишчилари ҳордиқ чиқариб, саломатликларини мустаҳкамлайдилар.

МУСОБАҚА ҒОЛИБИ

Олтиариқ районидаги «Ленинобод» совхози механизатори А. Конжаев 1981 йилги социалистик мусобақада ғолиб деб топилиб, Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг олтин медалига сазовор бўлган эди. Яқинда олтин медаль эгасига топширилди. Бутун совхоз меҳнат аҳли мусобақа ғолибини мукофот билан қизғин табриклади.

«Совет Ўзбекистони»нинг навбатдаги сони 17 июлда чиқади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Халқ куйлари. 10.05 — Бадиий фильм. 11.45 — Ишлаб чиқариш гимнастикаси. 12.15 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.25 — Болалар учун фильм. 17.40 — Концерт. 18.00 — Ҳужжатли фильм. 18.15 — Ўсмирлар ижоди. 18.45 — Архитектор Веснинлар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Ешлар адреслари. 19.45 — Концерт. 20.40 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Биз ёқтирган қўшиқлар. 22.45 — Дунё воқеалари. 23.00 — Сузиш бўйича СССР чемпионати.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Илмий-оммабоп фильмлар. 10.00 — Горчичлар, қаердасиз! 10.45 — Сиз яратган боғ. 11.15 — Испан тили. 11.50 — Лабиринтдаги узоқ йўл. Бадиий фильм. 1-серия. 13.00 — Кинопрограмма. 14.00 — Аланга. Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 16.30 ва 18.30 — Янгиликлар. 19.45 — Фиеста. 19.10 — Марафонча югуриш. СССР чемпионати. 19.30 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Славянча рақслар. 21.30 — Время. 22.05 — Лабиринтдаги узоқ йўл. Бадиий фильм. 2-серия.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Санъат гунчалари. 12.00 — Биология. 12.30 — Кимиё. 13.00 — Умид юлдузи. Бадиий фильм. 2-серия. 18.05 — Фильм-концерт. 18.30 — Абитуриент-82 19.00 — Озиқ-овқат программаси — халқ фаровонлигининг асоси. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ёзувчи ва замон. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Балет кечаси. 21.30 — Время. 22.05 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 22.20 — Баҳс. 23.05 — Фильм-концерт.

ТОШКЕНТ-II. 18.10 — Она тили. 18.40 — Телефильмлар. 19.10 — Авлодлар биографияси. 19.40 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Оқбайир ҳақида баллада. Бадиий фильм. 21.30 — Москва-II.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбекистон композиторларининг қўшиқлари. 9.30 — Экран куйлари. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Малиш. 14.00 — Табаррук замин. 18.15 — Ўзбекистон ССР халқ артисти Б. Давидова куйлайди. 19.25. Ёшлик. 20.50 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.00 — Ойдин. Келин ўгил тугди, Ҳикоя. 21.20 — Чорвадорлар учун концерт. 22.30 — Халқ талантлари ижро этади.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университетининг биринчи проректори, профессор

Элеонора Николаевна КУЦЕНКОнинг

беваҚт вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, партия ва касаба союз ташкилотлари Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларига радиоэшиттириш бош редакциясининг бош муҳаррири Ҳ. Ҳ. Йўлдошбоевга онаси

Нуриниса МУМИНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг чет элларга эшиттириш коллективи редактор М. Қориевага акаси

Абдураҳим ҚОРИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Журналистлар союзи правленеси нашриёт бўлимининг мудири А. Обидхўжаевга отаси

Обидхўжа ОРИФХУЖАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент-П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04., 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропаганда — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-35-53, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22, стенографистка — 33-73-43; 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 32-54-16; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 6-48-35; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-70-78; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94; Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 02091. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. А. — 163. 10